БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 63
7 МАЙ ЖУМА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

## БУГУНГИ СОНДА:

**Областимизда** (1-нчи бет).
**СССР Олий Совети Президиумида** (1-нчи бет).
**Совет Иттифоқида** (1-нчи бет).
**Совет радиоси халқ хизматида. Ғ. Нажимов.** — Оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли воситаси (2-нчи бет).
**М. Умаров.** — Хурофот — ўтмишнинг зарарли сарқити (2-нчи бет).
**Ўзаро текширишда аниқланган камчиликларни тезда тугатиб, экинларни юқори сифатли парвариш қилайлик.** Ва'дага яраша иш қилинмаётир. **П. Нестерев, Ғ. Абдуллаев, В. Ермохин, Т. Нурмуҳамедов.** — Картошка ва сабзавот экинларини илғор агротехника асосида парвариш қилайлик (3-нчи бет).
**Қ. Маҳкамова** — Ашула байрамига пухта тайёрланайлик (3-нчи бет).
Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши (4-нчи бет).
КИНО. **М. Ях'ёев, Р. Раҳимов.** — Ҳаётий кинокомедия (4-нчи бет).
**Тошкентда** (4-нчи бет).

## РАДИО КУНИ

Бугун бутун совет халқи ва барча прогрессив инсоният радио кунини тантанали вазиятда нишонламоқда.

Бу кун жаҳонда радиони биринчи бўлиб ихтиро' қилган отоқли рус олими Александр Степанович Поповнинг номи блан чамбарчас боғлангандир. Ватанпарвар рус олими ўзининг буюк кашфиёти блан фан ва техника тараққиётида янги давр очди, инсониятнинг маданий ривожланишида революцион ўзгариш ясади.

Радио ихтиро' қилинган кундан буён 59 йил ўтди. 1895 йил 7 майда А. С. Попов рус физика-химия жамияти мажлисида жаҳонда биринчи марта ўзи кашф этган радио аппаратни намойиш қилиб кўрсатди. Ўша кун рус ва жаҳон фани тарихида радио вужудга келган, фан ва техникада революцион ўзгариш ясалган кун бўлиб қолди. Совет халқи радио ихтиро' қилинган кунни байрам қилар экан, отоқли рус физиги А. С. Поповнинг номини буюк фахрланиш туйғуси блан тилга олади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда радио техникани ривожлантириш ва Ватанимизни ёппасига радиолаштириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Кишилик жамиятининг улуғ генийлари В. И. Ленин ва И. В. Сталин радионинг меҳнаткашларни Коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ролига ғоят катта баҳо бердилар. Партиямиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларидан бошлаб радиодан алоқанинг муҳим воситаси сифатидагина эмас, балки агитация ва пропаганданинг қудратли қуроли сифатида ҳам фойдаланиб келди.

Радио революцион рус пролетариати ҳокимиятни қўлга олиш учун қаҳрамонона кураш олиб борган кўзголон кунларида ҳам, Октябрь революцияси ғалабасидан кейин Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашларда ҳам Коммунистик партия қўлида кучли қоявий қурол бўлиб хизмат қилди. Владимир Ильич Ленин 1922 йилда ўртоқ Сталинга ёзган мактубида мамлакатни радиолаштириш ишини охиригача олиб боришни мумкин қадар тезлатиш заруррлигини кўрсатиб, «Радио қоғозсиз ва масофасиз газета» деган эди.

В. И. Ленин радионинг истиқболини олдиндан кўри ва унинг халқимиз ҳаётидаги ғоят катта ролига юксак баҳо берди. Улуғ доҳининг яқин кунларда «Москвада ўқиладиган газетани бутун Россия эшитади» деган сўзлари мамлакатимизда ўз ифодасини топди ва Ватанимизда илғор техника блан қуролланган кучли радио саноати вужудга келтириди, радио техника инженерлари, олимлар, алоқачилар армияси ўсиб етишди. Эндиликда радио халқимизнинг кундалик ҳаётига тобора кўпроқ сингиб бормоқда, Ватанимизнинг пойтахти улуғ Москва бепоён мамлакатимизнинг энг узоқ бурчаклари блан ҳар куни, ҳар соат алоқа қилиб турипти. Москванинг овози халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, қардошлик ғояларини, совет кишиларининг бахтиёр ва фаровон ҳаётини, давлатимизнинг изчиллик блан олиб бораётган тинчлик сиёсатини пропаганда қилмоқда, империалистларнинг агрессорлик ва босқинчилик сиёсатини фош қилиб ташламоқда.

Радио марксизм-ленинизм енгилмас ғолиб идеяларини, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми идеяларини омма орасига тарқатучи ва шу тарика меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбияловчи энг эпчил воситa бўлиб хизмат қилмоқда.

Радио совет кишисининг ма'навий бойлиги, руҳий озуқасидир. Маданий талаби ва эстетик завқи тўхтовсиз ўсиб бораётган совет кишилари эндиликда радиосиз тураолмайди. Шунинг учун ҳам бугун ҳарбир совет ҳонадонида радиоприёмникларни кўриш мумкин.

Бизнинг радиомиз саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият илғорларининг тажрибаларини оммалаштирмоқда. Партия XIX с'езди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларида қўйилган улуғвор вазифаларни ҳал этишга меҳнаткашлар оммасини сафарбар қилишда жуда катта роль ўйнамоқда.

Ватанимиз радиоси шаҳар ва қишлоқларимиздаги миллионларча меҳнаткашларни улуғ рус халқи ва қон-қардош совет халқларининг адабиёти, сан'ати ва музикаси блан таништирмоқда, Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг шонли 300 йиллик байрамини нишонлаб, совет халқларининг бузилмас қардошларчарча дўстлигини ифодаламоқда. Совет радиоси блан биргаликда халқ демократияси мамлакатлари, Хитой Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикасининг радиоси ҳам ривожланиб, тинчлик, демократия ва социализм учун актив кураш олиб бормоқда.

Областимизда радио техника ва радио эшитдиришнинг ривожланиши блан биргa, радио ҳаваскорлари ҳаракати ҳам тобора кенгаймоқда. Ёшларимиз орасидан кўплаб талантли радио техниклар ўсиб етишди. Корхона, шаҳар ва қишлоқ клублари, мактаб, олий ўқув юртлари, маданият саройлари ва бошқа муассасалар ҳузурида радио ҳаваскорларининг тўгараклари мунтазам ишлаб турипти.

Ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг изчиллик блан амалга оширилиши туфайли Совет ҳокимияти йилларида республикамизда шу жумладан областимизда радио кенг тарқалди. Илгари хароба, маданиятсиз бўлган қишлоқлар ўрнида обод, маданиятли, электрлашган, радиолашган социалистик шаҳарлар ва қишлоқлар бун'ёдга келди. Эндиликда областимизнинг энг узоқ қишлоқларида ҳам радио овозлари жаранглаб эшитилмоқда. Ҳозир жуда кўп колхозлар ўз радио узелига эга. Бу радио узеллардан дала шийпонлари, трактор бригадалари ва колхозчиларнинг уйларига неча ўн минглаб радио точкалари ўрнатилган.

Лекин қишлоқ жойларида радиолаштириш иши ҳали секин бормоқда. Областьда электростанциялар тормозининг кенгайганлиги аҳоли яшайдиган барча пунктларни ёппасига радиолаштириш имкониятини беришига қарамай, партия XIX с'езди ҳамда КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг бу соҳада қўйган вазифалари ҳамон секинлик блан бажарилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, «Узбекбирлашув» қишлоқ жойларига репродуктор ва батареяларни кам етказиб бермоқда. Тошкент областида репродукторлар ва электр қуввати берадиган батареялар етишмаганидан кўпгина радио тоҳкаси ва радио установкалар ишламай турипти.

Областимизнинг шаҳар ва районларидаги радио эшитдириш ишларида ҳам катта камчиликлар бор. Уларнинг кундалик эшитдиришлари ғоявий жиҳатдан юксак савияда эмас.

Шунга эришмоқ керакки, партия ва совет ташкилотлари идеологик жиҳатдан та'сир кўрсатишнинг муҳим воситаларидан бири бўлган радио эшитдириш ишларига кун сайин раҳбарлик қилишлари, маҳаллий радиостанцияларнинг ишига доимо йўл кўрсатиб туришлари, алоқа ходимлари ва радио техниклар тайёрлаб, уларнинг ишчанлигини оширишлари, радио ҳаваскорлари тўгаракларининг ишини жонлантиришлари, шу блан меҳнаткашларни КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларидаги вазифаларни бажаришга сафарбар этишлари лозим.

Вазифа — яқин йиллар ичида областимизни ёппасига радиолаштириш, ҳарбир қишлоқа, ҳарбир ҳонадонда радио бўлишига эришиш ва радио эшитдиришлар савиясини меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган юксак талаблари даражасига кўтаришдан иборат.

Совет радиосини янада ривожлантирайлик, Ватанимизни ёппасига радиолаштиришга эришайлик ва радио эшитдиришнинг ғоявий савиясини юқори даражага кўтарайлик.

## СССР Олий Совети Президиумида

Ўлим жазосини қотилларга нисбатан қўлланиш тўғрисидаги гражданларнинг ва жамоат ташкилотларининг илтимосини э'тиборга олиб ва гражданлар ҳаётини қўриқлашни кучайтириш мақсадида, СССР Олий Совети Президиуми «Ватан хоинларига, жосусларга, қўпоручи-диверсантларга ўлим жазосини қўлланиш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 12 январьда чиқарган Фармонини қасддан одам ўлдирган шахсларга нисбатан ҳам (агар бу ҳол жиноятни оғирлаштирган тақдирда) жорий қилди.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### Ўртоқ Л. А. Ротга «Ўзбекистон кутубхоначи» деган Фахрий ССРда хизмат кўрсатган унвон бериш тўғрисида

Ўзбекистон ССРда кутубхона ишларини ривожлантириш соҳасидаги кўпйиллик самарали хизматларини назарга олиб, Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги учйиллик республика партия мактабининг кутубхона мудири ўртоқ Лариса Александровна **Ротга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган кутубхоначи» деган Фахрий унвон берилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.**

Тошкент шаҳри.
1954 йил 5 май.

### ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 5 МАЙГАЧА БЎЛГАН

### МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

| Районларнинг номи | Яганалаш | Биринчи культивация | Биринчи чопиқ | Районларнинг номи | Яганалаш | Биринчи культивация | Биринчи чопиқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Оққўрғон | 20,1 | 31,7 | 18,6 | Оржоникидзе | 5,0 | 76,0 | 19,4 |
| Оҳангарон | 1,8 | 1,8 | 1,2 | Паркент | — | 1,7 | — |
| Бекобод | 3,0 | 14,6 | 12,2 | Пискент | 1,1 | 6,8 | 4,8 |
| Бўка | 3,5 | 8,2 | 8,9 | Ўртачирчиқ | 1,8 | 21,1 | 5,1 |
| Верхне-волинск | 1,5 | 17,8 | 14,3 | Сирдар'ё | 9,0 | 30,5 | 21,2 |
| Юқоричирчиқ | — | 12,2 | 11,9 | Ўртасарой | 1,4 | 21,3 | 8,6 |
| Гулистон | 8,0 | 21,2 | 11,4 | Ховос | 2,2 | 2,0 | — |
| Калинин | — | 31,0 | — | Чиноз | 13,8 | 37,1 | 17,5 |
| Мирзачўл | 3,7 | 17,0 | 8,0 | Янгийўл | 4,5 | 27,3 | 16,3 |
| Октябрь | 3,4 | 19,5 | 10,9 | | | | |

## Областимизда

### Матбуот кунининг байрам қилиниши

Областимизнинг шаҳар ва районларида 5 май — Матбуот куни зўр тантана блан нишонланди.

5 майда Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет театри биносида матбуот ходимларининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки блан Матбуот кунига бағишланган умумшаҳар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш Совет матбуоти куни тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Х. Ғуломов доклад қилди. Докладчи совет матбуотининг коммунистик қурилиш соҳасидаги ғоят катта роли ҳақида, партия XIX с'езди, КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасида республика матбуот ходимларининг вазифалари ҳақида муфассал гапирди.

Йиғилишда Тошкентдаги 1-нчи сон босмахонага Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги қарамоғидаги полиграфия саноати ва нашриётлар коллективларининг социалистик мусобақасида 1954 йил биринчи кварталда яхши натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари Советининг кўчма қизил Байроғи топширилди.

* * *

ЯНГИЙЎЛ, (**«Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан**). Бу ерда Совет матбуоти куни ҳамда «Янгийўл» газетасининг 25 йиллигига бағишланган умумшаҳар йиғилиши бўлиб ўтди. Совет матбуоти куни ва «Янгийўл» газетасининг 25 йиллиги тўғрисида шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Дўсметова доклад қилди. Докладчи мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш ва меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашда совет матбуотининг катта роль ўйнаганини уқдириб ўтди.

Йиғилишда «Янгийўл» газетасининг редактори ўртоқ Фоттоков сўзга чиқиб, газетанинг чорак аср давомида партия ташкилотининг раҳбарлиги остида босиб ўтган шонли йўли ҳақида гапирди.

Йиғилиш охирида ишчи ва қишлоқ мухбирларидан 20 кишига мукофотлар топширилди.

### Хотин-қизлар советлари раислари учун семинарлар

Шу кунларда колхоз, совхоз, МТС партия ташкилотлари ҳузуридаги хотин-қизлар советларининг раислари учун бир кунлик семинарлар ўтказилмоқда.

Яқинда Бекобод район партия комитети хотин-қизлар советлари раислари учун семинар ўтказди. Семинарга 21 киши қатнашди. Бунда район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлим мудири ўртоқ Ражабова «Совет ҳокимияти хотин-қизларга нима берди» деган темада лекция ўқиди. Шу семинарда «Большевик» колхози хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ Ҳамроқулова ўзининг иш тажрибалари тўғрисида ахборот берди.

«Большевик» колхозининг хотин-қизлар совети колхозчи хотин-қизлар ўртасида снёсий-оммавий ишларни анча яхши йўлга қўйган. 7-нчи классни тамомлаб уйда ўтириб қолган қизлардан 55 киши кечки мактабларга тортилган. Ҳозир бу колхознинг а'золари ўртасида ўрта ва олий ма'лумот олишга ҳавас кучаймоқда. Хотин-қизлар совети ёлғиз оналарга ҳукумат ва жамоат ёрдамини уюштирмоқда.

### Янги мода пойафзаллар

Тошкент 1-нчи пойафзал фабрикаси болалар учун рантли ярим ботинка ва эркаклар учун сандаллар ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. Бу ерда аёллар пойафзали тайёрлаш цехи очилади.

Шаҳардаги 2-нчи пойафзал фабрикаси уй туфлилари ишлаб чиқарабошлади. Фабрика пландан ташқари болалар учун майин чуваклар ишлаб чиқармоқда. Шунингдек Янгийўл тикув-пойафзал фабрикаси ҳам болалар учун чармдан ишланган ёзлик чуваклар тикиб чиқарабошлади.

Бу йил республикамиздаги пойафзал фабрикалар 65 хил янги оёқ кийими модалари ишлаб чиқаришни ўзлаштирадилар.

**Р. БАБКИНА.**

### Беш ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди

**Тошкентдаги «Шарикоподшипник» заводининг коллективи шонли 1 Май байрамини ишлабчиқаришда катта ғалабалар блан кутиб олди. Завод коллективи москвалилар ташаббусига қўшилиб, меҳнат унумини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юборди. Цехлараро бир ме'ёрда ишлаш учун кураш олиб борилиши натижасида завод коллективи кунлик топшириқни доимо ортиғи блан бажаришга эришди, заводда 4 ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди, пландан ташқари бирнеча минг дона подшипник ишлаб чиқарилди.**

**Завод коллективи эришилган ютуклар блан қаноатланиб қолмади. Ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг фидокорона меҳнат қилиши натижасида 5 ойлик топшириқ ҳам муддатидан илгари бажарилди. Завод коллективи бу муваффақиятларга корхонада меҳнат унумини ошириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш орқали эришди. Илғор ишчилардан токарь Қобилова, Носачев, шлифовшиклардан Каримова, Маликова, прессчи Корпенко ва бошқа ўртоқлар кундалик топшириқни 2 ҳиссадан бажариб, ҳозир август ойи ҳисобига ишламоқдалар.**

**А. КОРКУНОВ.**

### ОБЛАСТИМИЗНИНГ ЙИРИК САНОАТ ШАҲАРЛАРИ

## ОҲАНГАРОН

Туни блан шивалаб ёғаётган ёмғир тонг ёришганда бирдан тўхтади. Кўкда ғубор қолмади. Елканли кемадек оҳиста сузиб юрган парча-парча оқ булутлар қўтарилиб келаётган қуёш нурида янада оқариброқ кўринарди.

Баҳор эмасми, ёмғирдан кейин яриқраб кўтарилган қуёш шаҳарни яна ҳам жонлантириб юборди. Чортоқ тизмалари ва Қурама тоғларининг этакларида қад кўтарган бу шаҳарнинг ажойиб табиий манзаралари ва ундаги жўшқин ҳаёт кишини дарҳол ўзига жалб қилади. Шаҳар атрофидаги тепалик ва қирлар астасекин кўтарилиб, чўққилари қалин қор блан қопланган баланд тоғларга туташиб кетади. Тоғ этакларидаги қирларда рангба-ранг бўлиб очилиб ётган лолалар, кўмкўк майсазорлар қуёш нурида мавж уриб жилваланади.

Шаҳар атрофига боқсангиз, баҳрингиз очилади. Шахта қурилиши ва шаҳардаги кўпқаватли муҳташам бинолар шу манзара панорамасида яна ҳам гўзал бўлиб кўринади.

Оҳангарон Совет ҳокимияти йилларида республикамизда вужудга келган йирик саноат марказларидан биридир. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча-сталинча миллий сиёсатни тўғри амалга ошираётганликлари, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами туфайли ўзбек халқи ўзининг кўмир саноатига эга бўлди. Оҳангарон кўмир ҳавзаси базасида — илгари тўқайзорликлардан иборат бўлган жойда шахтёрларнинг ажойиб шаҳри қад кўтарди. «Ўзбекистон кочегари» деб аталучи бу шаҳар кўп йиллардан бери республикамиз саноати ва аҳолисини ёқилғи блан та'минлаб келмоқда.

Тез ривожланиб бораётган кўмир саноати блан бир каторда шахтёрлар шаҳри ҳам тобора кенгайиб, обод ва кўркам бўлмоқда. Шаҳарда шахта ва кўмир разрезларидан ташқари, нон заводи, цемент, огнеупор, механика-ремонт заводлари ҳамда ГЭС каби ўнлаб саноат корхоналари, шунингдек трест, бошқарма ва бошқа турли ташкилотлар бор.

«Ўзбекуголь» трестининг кўмир ҳавзаларида кўмир қазиб чиқариш ва меҳнат унуми йилдан-йилга оширилмоқда. Кейинги уч йил ичида трест бўйича кўмир қазиб чиқариш 1950 йилга нисбатан 10,5 процент, меҳнат унуми 7,5 процент кўпайди.

«Узбекуголь» трести 1954 йил биринчи квартал планини муддатидан илгари бажариб, мамлакатга пландан ташқари бирнеча минг тонна кўмир берди. «Узбекуголь» трести кўмир разрезининг коллективи ҳам катта ғалабаларга эришди. Коллектив биринчи квартал планини муддатидан анча илгари бажариб, пландан ташқари кўп миқдорда кўмир қазиб чиқарди.

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари, айниқса шахтёрлар Москва шаҳар ва Москва область илғор корхоналар коллективларининг меҳнат унумини янада ошириш ҳақидаги чақириқларига қўшилиб, Майолди социалистик мусобақасида катта ғалабаларга эришдилар. 9-нчи шахта коллективи апрель ойида пландан ташқари кўп миқдорда кўмир қазиб чиқарди. Бу шахтанинг Виктор Кравченко, Федор Хан бошлиқ 1—2-нчи участкалари апрель ойида пландан ташқари кўп миқдорда кўмир бердилар. Шахтанинг Иван Братерский, Анатолий Шуваев, Николай Судаков ва Ф. Пискорский ўртоқлар бошлиқ бригадалари кўмир қазиб чиқаришда илгор ишлаб, кундалик топширинни 140—150 процентга етказиб бажармоқдалар.

Кўмир разрезининг коллективи социалистик мусобақада катта ғалабаларга эришди. Бу коллектив 1 Майни пландан ташқари бирнеча эшелон кўмир жўнатиш блан кутиб олди.

Шаҳардаги «Огнеупор» заводи, Марказий электростанция ва шу каби бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам меҳнат унумини оширишда яхши натижаларга эришмоқда.

Шаҳарнинг маданий ҳаёти кун сайин юксалиб бормоқда. Шаҳардаги 7 та ўрта, 2 та еттийиллик мактабда шахтёрларнинг 4 минг 200 дан ортиқ болалари ўқимоқда. Бундан ташқари неча юзлаб ёш шахтёрлар шаҳардаги кечки, ишчи-ёшлар ва ҳунар мактабларида та'лим олиб, ўз малакаларини оширмоқдалар.

Шахтёрлар шаҳрида 4 кутубхона, 3 кино-театр, клуб, бирнеча ошхона, чойхона, кафэ, ресторанлар ва шаҳар атрофидаги дам олиш уйлари шахтёрларнинг, шунингдек шаҳардаги бошқа меҳнаткашларнинг маданий дам олишларига яхши хизмат қилмоқда.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари шахтёрлар, умуман шаҳар меҳнаткашларининг соғлигини сақлашга катта аҳамият бермоқдалар. Шаҳардаги 2 поликлиника, касалхона, туғруқхона ва бошқа медицина муассасалари аҳолининг соғлигини сақлашда жуда катта хизмат кўрсатаётир.

Шаҳарда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Шаҳарнинг янги барпо қилинган Пушкин кўчасида қурилаётган шахтёрларнинг Маданият саройи битказилиб, бинонинг олди томонидаги майдонида гулзор ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Унга турли гул кўчатлари, манзарали дарахтлар ўтказилди.

Шаҳарнинг қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Кейинги уч йил ичида 300 га яқин шахсий уй-жой бинолари қурилди. Бу йил ишчи, хизматчилар учун яна 60 уй-жой қурилади. Шахтёрлар шахсий уй қуриш учун давлатдан ссуда олаётирлар. «Узбекуголь» трестининг ўзи бу йил қурилиш ва ободончилик ишлари учун 2 миллион сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари йўлларни тузатиш, кўчаларга асфальт ётқизиш ва дарахт кўчатлари ўтказиш ишларига маҳаллий бюджетдан 105 минг сўм сарфланади. Шаҳарнинг 1954 йил қурилиш планига мувофиқ саноат корхоналари, 2 ўрта мактаб, учқаватли касалхона ва бошқа маданий-оқартув ҳамда уй-жой бинолари қурилади.

**А. МИРБОБОЕВ.**

## СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

### Темир йўл транспорти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши

Бешинчи майда Москвада, Катта Кремль Саройида темир йўл транспорти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини давом этдирди. Кенгашда темир йўлларнинг 1953 йилдаги иш якунлари ва темир йўл транспортини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисидаги доклад муҳокама қилинди.

Паровоз машинистлари, вагон мастерлари, поезд тузучилар, диспетчерлар, йўлчилар, транспорт командирлари, сиёсий ходимлар, министрликларнинг ва идораларнинг вакиллари сўзга чиқиб, ўз тажрибалари блан ўртоқлашдилар, фойдаланилмаётган резервларни очиб бердилар ва камчиликларни танқид қилдилар.

### МОСКВАДА МАТБУОТ КУНИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

Совет халқи 5 майда Матбуот кунини нишонлади. Пойтахт корхоналарида, муассасаларида, ўқув юртларида, лекция залларида суҳбат ва докладлар ўтказилди.

Союзлар уйининг Колонна залида газета, журнал, нашриёт ва полиграфия корхоналари ходимларининг ҳамда ишчи мухбирлар активининг Матбуот кунига бағишланган умуммосква йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Фурцева очди.

КПСС Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Стрепухов доклад қилди.

Кеча Журналистлар марказий уйида Совет матбуоти кунига бағишланган виставка очилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 7.800 га яқин газета чиқарилмоқда. Бу газеталарнинг бирйўла тиражи 44 миллион нусхадан кўпроқдир. Катта шчитларда республика, ўлка, область, шаҳар ва район газеталаридан олинган материаллар қўйилган. Бу материаллар совет матбуоти КПСС XIX с'езди қарорларини, партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтиришга, совет кишилари фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларини қандай пропаганда қилаётганлигини кўрсатилади.

Шунингдек, Москва кутубхоналарида ҳам Матбуот кунига бағишланган виставкалар очилди. (ТАСС).

### УКРАИНА ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КИЕВ, 5 май. (ТАСС). Украина ССР Олий Совети Президиуми шонли тарихий кунни — Украиннанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш юзасидан Украина Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг бешинчи юбилей сессиясини 1954 йил 22 майда Киев шаҳрида чақиришга қарор қилди.

### РАЙОН ГАЗЕТАСИ-БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИГА КАНДИДАТ

ЕРЕВАН, 5 май. (ТАСС). Шаумян районининг «Нор-қянқ» («Янги ҳаёт») деган район газетаси колхоз ишлабчиқариши илғорларининг ютуқлари тўғрисида, айрим экинларни етиштиришнинг прогрессив методлари тўғрисида, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқи учун олиб борилаётган мусобақа тўғрисида ҳарбир сонида хабарлар босиб чиқармоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун кураш-газетанинг диққат марказида турмоқда.

Сталин номли колхоз сутчилик-товар фермасини районда биринчи бўлиб комплекс усулда механизациялаштирди. Газета саҳифаларида чорвачиликдаги оғир ишларни механизациялаш колхозга нималар бергaнлиги ҳақида колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Межлумяннинг, зоотехник А. Бекназарованнинг, сут соғучи Б. Геворкяннинг мақолаларини босиб чиқарди. Ҳозир ўнбеш колхознинг ўртасида фермалар механизациялаштирилган.

Ахтанак қишлоғидаги колхоз кўп вақтлар давомида қолоқ бўлиб келган эди. Газета бу колхозга сайёр редакция юборди, резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланишда ёрдам берди. Ҳозир бу қишлоқ хўжалик артели тобора яхшиланиб бормоқда.

Газета қишлоқ мухбирлари активига эга. 400 дан кўпроқ киши редакциянинг ёрдамчиси ва маслаҳатчиси бўлиб ҳисобланади.

«Нор-қянқ» газетаси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилди.



Шахтёрлар шаҳри — Оҳангаронда йилдан-йилга кўплаб уй-жой ва бошқа кўркам бинолар қурилмоқда, янги кўчалар барпо этилмоқда. **Суратда:** (чапдан) 1. Шахтёрларнинг янгидан қурилган Маданият Саройи. 2. Янги барпо этилиб асфальт ётқизилган Пушкин кўчаси

**В. Салов** фотоси.

# СОВЕТ РАДИОСИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

* * *

## Оммани Коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли воситаси

Бугун бутун совет халқи рус ва жаҳон фани тарихида шонли воқиани — отоқли рус олими Александр Степанович Попов томонидан радио ихтиро' қилинган кунни тантана блан нишонламоқда.

Бундан 59 йил илгари, 1895 йил 7 майда ватанпарвар олим А. С. Попов рус физика-химия жамиятининг мажлисида дун'ёда биринчи марта ихтиро' қилинган радио приёмникни намойиш қилиб кўрсатди. А. С. Поповнинг бу ажойиб ихтиро'си жаҳонда фан ва техника тараққиётида янги давр очди. Совет халқи радио кунини нишонлар экан, радионы биринчи бўлиб кашф этган улуғ рус олими Александр Степанович Поповнинг номини ҳурмат блан эсга олади.

Совет ҳукумати Ватан фани ва техникасининг радио соҳасидаги ютуқларини оммалаштириш, аҳоли ўртасида радио ҳаваскорлари ҳаракатини кучайтириш мақсадида радио куни ўтказишга қарор қилди. Бу кун — бутун совет халқининг ва барча тараққийпарвар инсониятнинг традицион байрами кунн бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи халқлари Коммунистик партия XIX с'ездининг тарихий қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларидан илҳомланиб, бу йил радио кунини снёсий руҳ гоят кўтарилган ва меҳнат ғайрати жуда ошган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Радио мамлакатимизда ҳокимият меҳнаткашлар қўлига ўтганлиги тўғрисидаги тарихий хабарни бутун жаҳонга тарқатди. Совет ҳукуматининг В. И. Ленин имзолаган ер ва сулҳ тўғрисидаги дастлабки декретлари, мамлакатда ва четэлларда шундан кейин рўй берган бутун воқиалар тўғрисидаги хабарлар радио орқали эшитдирилди.

Капиталистик мамлакатларда радио империалистларнинг агрессив планларига хизмат қилдирилаётган бир вақтда бизнинг мамлакатимизда радио коммунистик жамият қуриш вазифаларига, оммани снёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашга, бутун дун'ёда тинчлик, демократия ва социализм учун олиб борилаётган курашнинг буюк мақсадларига хизмат қилмоқда.

Партия, ҳукуматимиз Ватан радио техникаси ва радио эшитдиришни ривожлантириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Партия XIX с'ездя бешинчи бешйилликда совет радио станцияларининг қувватини янада оширишни та'минлаш, бешйилликнинг охирига бориб мамлакатимизни ялпи радиолаштиришни асосан амалга ошириш вазифасини қўйди. Совет Иттифоқи дун'ёда энг кучли радио эшитдириш станцияларига эга. Радио Ватанимизнинг пойтахти Москва блан мамлакатимизнинг энг узоқ бурчаклари ўртасидаги алоқани та'миндайди. Москванинг тинчлик, озодлик, демократия ва социализм ғоясини тараннум этучи овози бутун дун'ё бўйлаб эшитилмоқда.

Совет радиоси идеология ишларининг энг муҳим участкаларидан биридир. У кенг меҳнаткашлар оммасини илғор фан, адабиёт ва сан'атнинг буюк хазиналарига яқинлаштирмоқда, халқимиз маданий савиясининг тўхтовсиз юксалишига ёрдам бермоқда. Радио снёсий ахборот эшитдиришнинг муҳим воситаси, марксизм-ленинизм улуғ та'лимотининг пропагандистидир. Шу блан бирга у совет давлатининг тинчликни ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборат снёсатини кенг пропаганда қилмоқда.

Бизнинг радиомиз мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишида қўлга киритилаётган муваффақиятларимизни пропаганда қилучи энг муҳим воситага айланмоқда, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун кучайиб кетган социалистик мусобақанинг боришини ёритмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторларининг тажрибасини ёймоқда. Радио совет кишисининг ҳартомонлама ўсишига, унинг ғоявий, ма'навий фазилатларининг ривож топишига хизмат қилмоқда.

Совет радиоси блан биргаликда халқ демократияси мамлакатлари, Хитой Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикасининг радиоси ҳам тинчлик учун актив кураш олиб бораётир. Бу мамлакатларда ҳам радио халққа хизмат қилмоқда ва янги демократик ҳаёт қураётган меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ифодаламоқда.

Совет Ўзбекистонида ҳам радио эшитдириш, радио техникаси ва радиолаштиришнинг ривожланганлиги чор Россияси даврида эзилган халқларнинг маданиятини юксалтириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз томонидан қилинаётган буюк ғамхўрлигнинг ёрқин ифодасидир. Гражданлар урушининг оғир йилларидаёқ Владимир Ильич Ленин Меҳнат ва Мудофаа Советининг радио станциялар қуриш программасини белгилаб берган қарорига қўл қўйди. Шу станциялардан бирини Тошкентда қурищ мўлжалланган эди. Орадан кўп ўтмай Тошкентга рус мутахассислари келдилар ва Ўрта Осиёда биринчи радио станция қуришга киришдилар. Бу станция 1921 йилда қурилиб бўлди. Эндиликда Ўзбекистон электрлашган, радиолашган республикалардан бирига айланди.

Кейинги вақтларда Ўзбекистоннинг ишчи посёлкалари ва колхоз қишлоқларини радиолаштириш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Республикада радио шохобчалари урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан тўрт мартадан кўпроқ ўсди, радио станцияларнинг жам'и қуввати эса 11 марта ошди. Ўзбекистоннинг кўп колхозлари ҳозир ўз радио узелларига эга бўлдилар. Шу блан бирга радио эшитдиришнинг ғоявий ва бадиий савияси анча яхшиланди. Республикамизда 1958 йилда колхоз ва совхозларни ёппасига радиолаштириш амалга оширилиши лозим. Бу йил телевизион станция қуришга киришилади. Бу станция 1955 йилнинг охирида қуриб битказилиши керак.

Лекин шуни ҳам э'тироф қилиш керакки, республикамизда радио эшитдирилва колхоз қишлоқлари ҳамда ишчи посёлкаларини радиолаштириш ишида катта камчиликлар ҳам бор. Радио эшитдиришнинг ҳозирги аҳволи халқимизнинг ўсиб бораётган юксак талабларидан кўп даража кейинда қолмоқда. Радио эшитдириш ходимлари эшитдириш программаларини янада бойитиш ва унинг ғоявий-снёсий даражасини кўтариш учун мавжуд бўлган жуда катта имкониятлардан ҳали етарлик даражада фойдаланмаётирлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхозларни ва ишчи посёлкаларини радиолаштириш иши ҳали секин бормоқда. Шунингдек қишлоқ жойларига репродукторлар кам етказиб берилмоқда. Республикамизнинг Тошкент ва бошқа областьларида репродукторлар етишмаганлигидан 5 мингга яқин радио точкаси ишламай турипти. Электр қуввати берадиган батареялар етишмаганидан кўпгина радио установкалар ишламайди. Республика алоқа ходимлари, шунингдек совет органлари олдида шаҳарларимиз ва қишлоқларимизни радиолаштириш соҳасида катта вазифалар турипти. Алоқа ходимлари, шунингдек колхозларга оталик қилаётган корхоналар ва муассасалар ҳарбир қишлоқда радиоузел ташкил қилиш, ҳарбир колхоз хонадонини радиолаштириш ишларини кучайтиришда катта ёрдам кўрсатишлари лозим.

Мамлакатимизда радионинг ривожланишига бутун халқ актив ёрдам бермоқда. Совет Иттифоқида кўп миллион кишидан иборат радио ҳаваскорлари армиясининг борлиги радиога бўлган муҳаббатни, уни ривожлантиришга интилишни кўрсатучи ёрқин далилдир. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда радио ҳаваскорлиги кенг қўламда авж олмоқда. Кўплаб ташкил қилинган радио клублар, лабораториялар, радио техника тўгараклари, Армия, Авиация ва Флотга ёрдам беручи кўнгилли жамият (ДОСААФ)га уюшган радио ҳаваскорларига самарали иш олиб бориш учун катта имкониятлар яратиб берилган. Радио ҳаваскорлари олимлар, инженерлар, радио мутахассислари блан биргаликда радио техникани мукаммаллаштирмоқдалар, янги, оригинал аппаратлар ва асбоблар яратмоқдалар.

Бутун мамлакатимиз, шу жумладан республикамиз умумхалқ байрамини — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонламоқда. Бу халқлар дўстлиги байрамини биз радио ходимлари ҳам нишонламоқдамиз. Эфирда Украин музикаси, қўшиқлари жаранглаб эшитилмоқда, барча совет халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигини ифодаламоқда.

Радио куни барча совет кишиларининг ҳаётида унутилмас кун, социалистик фан ва маданият байрами, радио техника ва радио эшитдиришни ривожлантиришдаги ютуқларимизга кўрик куни бўлиб қолди. Совет радиоси СССР халқларига ижодий хизмат қилиб келди ва бундан буён ҳам хизмат қилади.

Бизнинг вазифамиз — радиослаштириш ишини ҳар тарафлама ривожлантиришдан, радио эшитдириш савиясини янада юқори даражага кўтаришдан, коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар қилишнинг қудратли воситаси бўлган радиодан кенг ва тўла фойдаланишдан иборат.

**Ғ. НАЖИМОВ,**
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Радио информация Бош Бошқармасининг бошлиғи.

Магнитофон колхоз даласида. Микрофон олдида Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Уринбой **Толипов** сўзламоқда. Радиотехник **П. Тучин** унинг сўзини магнит пленкасига ёзиб олаётир.
**В. Салов** фотоси.

## Колхоз қишлоқлари радиолаштирилмоқда

МИРЗАЧЎЛ район, Меҳнатобод қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз қишлоғи йил сайин обод бўлиб, колхозчилар хонадонлари радиолаштирилмоқда. Ҳозир 250 га яқин хўжаликнинг уйларига радио точналари туширилди. Қишлоқнинг марказий кўчаларида радиорепродукторлар ишлаб турипти.

Колхознинг алоҳида радиоузели ҳам бор. Бу узел орқали тез-тез маҳаллий ахборот, колхозчи ҳаваскорлар ижросида концертлар эшитдирилиб турилади. Яқинда колхознинг тўрт дала шийпони радиолаштирилди. Бу йилги план бўйича яна 80 хўжаликнинг уйи радиолаштирилади. 60 дан ортиқ колхозчи турли маркали радио приёмникларга эга.

* * *

ГУЛИСТОН районидаги Молотов номли колхозда кучли радиоузел бўлиб, 420 колхозчи уйига радио точка тушрилган. Радиоузел орқали ҳар куни колхоз меҳнаткашлари республикамиз шаҳар ва районларидаги янгиликлардан хабардор бўлиб турадилар, лекция, суҳбат ва концертлар тинглайдилар.

Колхоз радиоузели меҳнаткашларнинг маданий дам олишида намунали хизмат қилмоқда.

* * *

ХОВОС районидаги Дмитровск, Оққўрғон районидаги Алимкент посёлкаларида 600 ваттли кучли радиоузеллар қурилди. Ҳозир бу районларда колхозчилар уйини радиолаштириш, қишлоқ аҳолиси кўп тўпланадиган жойларга радио карнайлари ўрнатиш ишлари қизғин давом этмоқда.

* * *

ОКТЯБРЬ районидаги Каганович номли колхознинг а'золари ўз радиоузелларига эгадирлар. Бу ерда деярлик ҳамма колхозчи уйига радио точкалар туширилган. Колхозчилар радиоузел орқали республика ва маҳаллий янгиликлардан хабардор бўлиб турадилар. Бундан ташқари колхозлари бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчилари радиоузел орқали колхоз меҳнаткашларига қизиқарли программалар асосида концертлар берадилар.

## Магнитофон янги ерда

Мирзачўл водисини кесиб ўтган катта йўлда эртадан кечгача автомашиналар тизмасини кўрасиз. Тезюрар «Победа», «Газик»лар, забардаст «ЗИС»лар ана шу катта йўлда қаторлашиб, водий ичкарисига таралиб кетган ён кўчаларга бориладилар. Колхозларга ғалла, МТС-лар паркига эҳтиёт қисмлар, янги ерга қурилиш материаллари олиб келадилар. Шулар қатори магнитофон—овоз ёзучи аппарат ўрнатилган «ГАЗ» машинасини ҳам Мирзачўл ерларидаги колхозларда, совхоз ва МТСларда тез-тез учратиб туриш мумкин.

... Машина марказий коллектор устига қурилган кўприкдан ўтиб тўғрига қараб кетди. Икки томонда поёнсиз далалар ястаниб ётади.

Янги ерда янгича ҳаёт қурган, зўр механизация кучидан фойдаланиб ерларига-ер, ҳосилларига-ҳосил қўшаётган пахтакорлар тўғрисида эшитдириш ташкил қилиш учун радио мухбир ўз магнитофони блан колхозга келди. Далаларда ишлар, колхоз қишлоғи кишиларининг фидокорона меҳнати мухбирни гоят қувонтирди.

Мана, у, Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхозда ранси Нуриддин Юсупов блан суҳбатлашмоқда:

— Сиз ҳозир айтдингиз, янги ерлар ўзлаштирилиб пахта майдони 1 минг 25 гектарга етипти. Колхоз бундай ютуққа қандай қилиб эришганлигини айтиб бермасангиз?

— Бизга хизмат қилаётган МТСнинг трактор парки кейинги уч-тўрт йил ичида кучли машиналар блан мустаҳкамланди. Мана шу тракторлар блан районимиздаги бошқа колхозлар каби бизнинг колхозга ҳам катта ёрдам берилмоқда. Шу йилнинг ўзида 200 гектар янги ер ўзлаштирилди, 100 гектарига чигит, 100 гектарига беда экилди. Ана шундай ерлардан 138 гектарини ўтган йили пахтазор қилган эдик.

— Янги ерлардан қанақа ҳосил олинмоқда?

— Янги ерлардаги бригада ва звеноларимиз ишланиб келаётган ерларга чигит эккан бригадалардан қолишмайдилар. Комсомол а'зоси Ўразали Эгамқулов бошчилик қилаётган бригада бу йил янги ерларга чигит экди. Бригада а'золари ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

— Ўртоқ Юсупов, райондаги бошқа колхозлар ҳам сизларга ўхшаб янги ерларни ўзлаштираётган бўлсалар керак?

— Албатта, шундай. Мана, Ўзбек массивига жойлашган Маленков номли, Жданов номли, Калинин номли колхозларни олиб кўрайлик. Бу колхозлар сўнгги йилларда ўзларининг экин майдонларини Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ҳисобига 600 — 700 гектаргача етказдилар, ана шу далаларнинг ҳаммасида мўл ҳосил етиштирилмоқда...

Магнитофон ўрнатилган енгил машина Мирзачўл водиси бўйлаб йўлда давом этади. У икки томони унумдор далалар блан қопланган катта йўл бўйлаб Ховос районига етиб боради. Радио мухбири ховосликларнинг янги ерларни ўзлаштириш соҳасидаги фидокорона меҳнатлари тўғрисида радио эшитучиларга қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— Ховос районининг азамат пахтакорлари ва механизаторлари мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб, қадимда чўл бўлиб ётган ерларни ўтган тўрт йил ичида унумдор пахта далаларига, мевазор ва узумзор боғларга айлантирдилар. Ана шу янги ерда ташкил қилинган Карл Маркс номли колхоз беш йил ичида республикамизнинг йирик ва юқори ҳосилли колхозлари қаторига ўтиб олди...

Радио мухбирни ўз магнитофони блан марказий Фарғонада, ипак пахта ўстиручи Сурхондар'ё далаларида, Бухоро қорақўлчилари, Тошкент боғбонлари, Қашқадар'ё ғаллакорлари, Самарқанд сохибкорлари орасида ҳам учратасиз. Илғор пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар ва боғбонлар, ғаллакорлар ва сабзавотчилар ўзларининг меҳнат соҳасидаги ишлари тўғрисида, келажакдаги режалари ҳақида радио эшитучиларга сўзлаб берадилар.

Ҳарбир хонадонинг турмушига сингиб кетган радио халқ фаровонлиги, турмуш гўзаллиги, ўйин-кулги, халқ шодиёнаси, ижодий муваффақиятлар тўғрисидаги хушхабарларни кенг радиоэшитучилар оммасига ҳамавант эшитдириб туради. Янги ерга борган магнитофон радио техникаси соҳасидаги энг қулай аппарат бўлганлиги учун ҳам турмушга яқиндир!

Тингланг, радио овозлари эшитилмоқда:

— Тошкентдан гапиремиз, магнитофон плёнкасига ёзиб олинган илғор пахтакорлар сўзини эшитдирамиз...

**С. МАҲКАМОВ.**
**А. АЗИМОВ.**

## Тошкент ДОСААФ радио клубида

Бу ерда радио техникага қизиқучилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Клубда қисқа тўлқин, конструкторлик, радио техника билимларини тарқатучи секциялар бор. Бу секцияларга ишчи, студент ва ўқучилар қатнашмоқдалар. 1954 йилда клуб а'золарининг сони ўтган йилдагига қараганда анча кўпайди.

Радио техникани ўрганучи ҳаваскорлар секция машғулотларига актив қатнашиш ва ўз устларида қунт блан ишлаш орқасида бирмунча яхши натижаларга эришдилар. Промкомбинат ишчиси, радио ҳаваскори Н. П. Фогель телевизор аппаратини ясаб, синаб кўрди. 10-нчи синф ўқучиси Е. И. Додонов эса, дитекторли радиоприёмник аппарати ясади.

Шунингдек, радио ҳаваскорларидан ишчи В. А. Мационов, Ўрта Осиё Политехника институти энергетика факультетининг лаборанти К. П. Батирев, 7-нчи синф ўқучиси А.Л. Миладиевлар ҳам ҳархил аппаратлар ясаганлар.

Бундан ташқари радио клуби коллективи томонидан Округ Офицерлар Уйининг ёзги лекторийсида катта виставка ташкил қилинди. Виставкага радио ҳаваскорларининг ижодларидан намуналар қўйилган. Бунда эшитдиручи, қабул қилучи, ўлчовчи, овоз ёзиб олучи ва бошқа аппаратлар бор. Айниқса радио методларидан халқ хўжалигида фойдаланишни ифодаловчи аппаратлар тамошабинлар диққатига сазовор бўлмоқда.

**Ў. ЮСУФЖОНОВА.**

# Хурофот—ўтмишнинг зарарли сарқити

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг кейинги вақтларда чиқарган қарорлари совет халқи бахти-саодати, фаровон ҳаёти тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари қишлоқ хўжалигимизни кескин суратда ривожлантиришнинг равшан перспективаларини кўрсатиб берди.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги барча соҳаларининг тўхтовсиз юксалиши блан бирга халқимизнинг маданий даражаси ва снёсий онги ҳам ўсиб бормоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш блан бирга, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига, эски урф-одатларга, диний таассубларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Капитализмнинг кишилар онгидаги зарарли сарқитлари жуда яшовчан бўлиб, улар жамиятимиз ичидаги айрим кишилар онгида ҳалигача сақланиб қолмоқда. Ўтмишнинг бундай энг зарарли сарқитларидан бири дин ва диний урф-одат, таассублардир.

«Дин — халқ учун аф'юндир» деб ёзган эди К. Маркс. Дин халқ онгини реал ҳаётдан хурофатларга буриб юборишга хизмат қилади. Дин кишиларнинг ижодий ташаббусини бўғади, уларнинг онгини заҳарлайди, реал ҳаётга умидсиз қарашга ундайди.

В. И. Ленин диннинг реакцион характерини бутунлай фош қилиб: «Ёввойи одамнинг табиат блан курашдаги ожизлиги худо, шайтон ва шу сингарилларга ишонч туғдиргани каби эксплуатация қилинучиларнинг эксплуататорларга қарши курашдаги ожизлиги ҳам охиратда яхши ҳаёт борлигига муқаррар ишонч туғдиради», деган эди. Дин ҳамиша эксплуататор синфлар манфаати учун хизмат қилиб келди. Эксплуататорлар диний хурофотлар воситаси блан меҳнаткашлар оммасини ўзига бўйсундиради.

Ислом дини ҳам ўтмишнинг энг реакцион сарқитларидандир. Ислом дини эксплуататор синфлар қўлида меҳнаткашларни эзиш, алдаш қуроли бўлиб келди. Ислом дини ва унинг реакцион урф-одатлари меҳнаткашларни жаҳолат ва қоронғиликда сақлаш учун восита бўлиб хизмат этиб келди.

Мусулмон руҳонийлари меҳнаткашларни жаҳолатда сақлаш мақсадида эскилик урф-одатларидан бири бўлган рўза, қурбонлик қилишни ўйлаб чиқардилар. Руҳонийлар урф-одатларни ўзлари учун мажбурий деб ҳисобламас эдилар, аммо бу урф-одатларга амал қилмаган камбағал аҳолини жазолар ва уларни «гуноҳкор» кишилар деб та'қиб остига олар эдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида Совет шарқининг меҳнаткашлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳам ислом дини ва унинг хурофотлари занжирларидан озод бўлдилар, янги социалистик онг эгаси бўлиб етишдилар.

Четэл шарқ мамлакатларида ислом дини ҳозир ҳам халқларни жаҳолатда сақлаш, уларни эксплуатация қилиш қуроли сифатида маҳаллий буржуазияга ва четэл империалистларига хизмат қилмоқда. Америка-инглиз империалистлари мустамлака ва қарам мамлакат халқларини эксплуатация қилишда ва ўз тажовузкорлик планларини амалга оширишда ислом динидан ҳам фойдаламоқдалар. Четэл шарқ мамлакатларидаги мусулмон руҳонийлари америка-инглиз империалистларининг малайларига айланиб қолганлар. Улар, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракатини бўғишда, барча реакцион кучларни социализм, демократия ва тинчлик лагерига қарши бирлаштиришда америкали уруш оловини ёқучиларга жонжаҳдлари блан ёрдам бермоқдалар.

Ислом динининг ярамас ва жирканч сарқитларидан бири — рўзадир. Ў, ислом дини пайдо бўлмасдан илгари араб қабилаларига хос одат эди.

Рўза ўтмишнинг энг ярамас сарқитларидан бири бўлиб, у, киши соғлиғинг душманидир. Рўза тутиш одати кишиларга рамазон ойининг бутун ўттиз куни давомида қуёш чиққанидан то қуёш ботгунга қадар сув ичмаслик, овқат емаслик, чекмаслик, ҳидламасликка мажбур қилади. Рўза тутган кишилар ҳатто касал бўлиб қолса дори ичмаслиги керак эмиш.

Рўза тутган киши тонг ёришмасдан илгари саҳарда туриши ва овқатланиб олиши зарур эмиш. Саҳар вақтида иштаҳа бўлмасдан овқат егандан кейин рўза тутучи киши кечқурун қоронғи тушгунча ҳеч нарса емасдан ва ичмасдан, очнаҳор ва ташна юришга мажбур бўлади. Кун бўйи оч юриб кечқурун бирданига жуда кўп овқат ейиш натижасида кишининг ошқозони ва унинг нормал овқат ҳазм қилиш процесси бузилади. Врачларнинг айтишларига қараганда рўза тутучи кишилар нормал овқатланмаслик натижасида ошқозон, ичак касалликлари ва бошқа ҳархил оғир касалликларга дучор бўлади. Ёз ойларида куннинг узунлиги 17 — 18 соатгача чўзилади. 17 — 18 соат овқатланмасдан юриш орқасида кишининг тинкаси қуриди, бош оғриги, кўз тиниши, юрак бузилиши ва организмда бошқа ҳартурли касалликлар пайдо бўлиши мумкин.

Рўза тутиш ёш улғайганлар, ҳомиладор ва бола эмизучи аёллар учун жуда хавфлидир. Кекса киншлар рўза тутиш натижасида жуда оғир касалга чалинадилар. Ҳомиладор ва бола эмизучи аёллар рўза тутган тақдирда уларнинг соғлиғига ва ёш болага зарар бўлади. Рўза тутиш боланинг нормал овқатланишига, нормал ўсишига зарар беради. Рўза тутучи аёлларнинг болалари жуда заиф, нимжон бўлиб қоладилар.

Рўза социалистик ишлабчиқаришда ишлаётган кишиларнинг ижодий ташаббусини бўғади, уларнинг астойдил меҳнат қилишларига, ижодий ташаббус кўрсатишларига халал беради. Ўзбекистон ССР шаронтида рўза тутиш айниқса ғўза парваришли даврига тўғри келади. Ҳозирги вақтда колхоз, совхоз, МТСларда партиямиз Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун кураш олиб борилаётган бир вақтда рўза ва бошқа эскилик таассубларига берилиш коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларини бажаришга халал беради.

Шунинг учун ҳам партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳозирги вақтда колхозчилар ўртасида кенг равишда снёсий агитация ишлари олиб боришлари, рўза тутиш каби кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши кескин кураш олиб боришлари зарур.

Шунингдек рўза тутиш социалистик саноат корхоналарида ишлаётган кишиларнинг ишлабчиқариш планларини бажараолмасликларига, меҳнат унумининг пасайишига сабаб бўлади. Демак, эскилик сарқити бўлган рўза — киши соғлиғининг душмани, ижодий қобилиятнинг ўсишига ғовдир.

Эксплуататор синфлар рўзанинг киши соғлиги учун зararли эканлигини билсалар ҳам, ундан меҳнаткашларни қоронғиликда, асоратда сақлаш учун кенг фойдаланмоқдалар. Улар ҳатто мустамлака ва қарам мамлакатларда рўза тутмаган кишиларни жазолашгача бориб етмоқдалар. Масалан, Палестин шаҳарларининг бирида рамазон ойида кўчада нон еб юрган араб боласини мусулмон диний полицияси тутиб олган ва инглиз қирол судининг ҳукми блан уни қамаб қўйганлар.

Диний хурофотнинг сарқитларидан бири қурбон қайтидир. Қурбон қайити ҳам эксплуататорларга жуда катта фойда келтирар эди. Эксплуататор синфлар, руҳонийлар қурбон қайити баҳонаси блан жуда катта бойлик тўплаб олар эдилар, меҳнаткаш халқни талар эдилар. Бизнинг социалистик жамиятимизда хурофот ва эскилик сарқити бўлган қурбон қайити каби диний таассубларга ўрин йўқ.

Дин ва хурофотнинг энг реакцион сарқитларидан бири паранжидир. Паранжи хотин-қизларни асоратга солиш қуролидир. Паранжи хотин-қизларни ижтимоий ҳаётдан ва ишлабчиқаришдан четлаштиради, уларнинг соғлигига катта зарар етказади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни чинакам озодликка, эркин ҳаёт йўлига олиб чиқди. Шарқ хотин-қизлари дун'ёда энг эзилган ва энг ҳуқуқсиз аёллар эди. Совет Шарқида революциянинг биринчи йилларидан бошлабоқ хотин-қизларни паранжи балосидан қутқариш учун кураш бошланди. Бу кураш айниқса халқ хўжалигини тиклаш даврида қизитиб юборилди, Ўзбек хотин-қизларини чинакам озодликка чиқариш учун паранжига қарши ҳужум бошланди. Бу кураш кескин синфий кураш тусини олди. Реакцион гуруҳлар, руҳонийлар хотин-қизлар озодлигига қарши бутун кучлари блан курашдилар. Меҳнаткаш халқ Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида хотин-қизлар озодлиги душманларини тор-мор келтирдилар. Ҳозир ўзбек хотин-қизлари ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида актив қатнашмоқдалар. колхозларда ва саноат корхоналарида эркаклар блан бир қаторда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Аммо айрим хотин-қизларнинг шу вақтгача паранжида юришлари ва айрим кишиларнинг хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишлари кечирилмас аҳволдир. Ба'зибир жойларда ҳали ҳам хотин устига хотин олиш, уларга паранжи ёпиштириш, болаларни боқимсиз қолдириш, ёш қизларни ўқишдан қолдириб эрга бериб юбориш ва уларга паранжи ёпиштириб қўйиш қоллари учраб туради. Республикамизнинг узоқ районлари ўёқда турсин, Тошкент, Бухоро, Маргилон, Наманган каби йирик шаҳарларида ҳам айрим хотин-қизларнинг паранжи ёпиниб юришлари айниқса йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Коммунистик партия совет кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келди ва келмоқда. Чунки совет халкининг ижодий ташаббусини янада кучайтиришда динга, диний хурофотларга, эски урф-одатларга қарши кураш олиб бориладиган кураш социалистик қурилишимизнинг умумий ва конкрет вазифалари блан чамбарчас боғланган бўлиши керак. Аммо шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш зарурки, динга қарши олиб бориладиган кураш — мавсумий иш эмас, балки систематик равишда олиб бориладиган ишдир.

Совет халқи олдида, шу жумладан ўзбек халқи олдида улуғвор вазифалар турипти. Бу улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши биздан идеология ишларимизни янада юқори босқичга кўтаришни, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини яхшилашни, эскиликнинг барча ва ҳарқандай сарқитларига кескин кураш олиб боришни талаб қилади.

Капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши, диний таассуб ва урф-одатларга қарши кескин кураш олиб бормасдан туриб, коммунистик жамият қуришдек буюк вазифани муваффақият блан ҳал этиб бўлмайди.

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм қураётган совет халқи эскилик сарқитларига қарши кескин кураш олиб бораётган партия XIX с'езди қарорларини, КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг қарорларини бажаришда янгидан-янги ғалабаларга эришади.

**М. УМАРОВ.**

Кишилар онгидаги дин ва эскилик сарқитлари ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди. Бу хурофотлар ба'зибир кишилар онгида яшабгина қолмай, улар орқали ёшларга ҳам та'сир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун барча партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари динга, ўтмишнинг зарарли сарқитларига қарши тинмай кураш олиб боришлари керак.

Капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига, диний хурофот ва урф-одатларига қарши курашда агитация ва пропаганда ишларининг турли формаларидан фойдаланиш керак. Аммо пропагандистларимизнинг олиб борадиган ишлари «умумий» бўлмаслиги керак. Бизнинг агитациямиз та'сирли, муайян мақсадга қаратилган, турмушдан олинган мисоллар блан тўлдирилган агитация бўлиши лозим. Илмий-атеистик темаларда ўтказилган суҳбат ва лекцияларда фан ва техника муваффақиятларини қуруқ санаб ўтишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу суҳбат ва лекцияларда турмушдаги фактлардан фойдаланиш керак, динга қарши олиб бориладиган кураш социалистик қурилишимизнинг умумий ва конкрет вазифалари блан чамбарчас боғланган бўлиши керак. Аммо шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш зарурки, динга қарши олиб бориладиган кураш — мавсумий иш эмас, балки систематик равишда олиб бориладиган ишдир.

Совет халқи олдида, шу жумладан ўзбек халқи олдида улуғвор вазифалар турипти. Бу улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши биздан идеология ишларимизни янада юқори босқичга кўтаришни, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини яхшилашни, эскиликнинг барча ва ҳарқандай сарқитларига кескин кураш олиб боришни талаб қилади.

Капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши, диний таассуб ва урф-одатларга қарши кескин кураш олиб бормасдан туриб, коммунистик жамият қуришдек буюк вазифани муваффақият блан ҳал этиб бўлмайди.

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм қураётган совет халқи эскилик сарқитларига қарши кескин кураш олиб бораётган партия XIX с'езди қарорларини, КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг қарорларини бажаришда янгидан-янги ғалабаларга эришади.

**М. УМАРОВ.**

# Ўзаро текширишда аниқланган камчиликларни тезда тугатиб, экинларни юқори сифатли парвариш қилайлик!

## *Ва'дага яраша иш қилинмаётир*

(«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан).

Оржоникидзе райони етиштириб келаётган ҳосили жиҳатидан областимиздагина эмас, ҳатто республикамизда ҳам юқори ҳосилли районлардан бири ҳисобланади. Пахтакорлар ва механизаторлар дала ишларининг ҳарбир даврида белгиланган топшириқни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарадилар. Мўл ҳосил учун курашда агротехниканинг янги методлари амалга оширилмоқдаки, бунинг натижасида ғўзаларнинг ўсиши тезлашаётир ва пахтанинг эрта пишиб етилишига муваффақ бўлинмоқда. Оржоникидзе район пахтакорлари ғўзанинг ён томонидан, илдизга яқин қилиб ўғитлашни областимизда биринчилар қатори қўлланганлар. Бу иш ҳар йили мунтазам равишда амалга оширилаётганлиги учун эўр ижобий натижалар бермоқда.

Ву йил район колхозлари гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу мақсадда улар Калинин, Оҳангарон район пахтакорлари блан социалистик мусобақа шартномаси тузганлар. Мусобақанинг дастлабки даври—чигит экиш қандай ўтказилганлиги, уни ундириб олиш учун кураш, ғўзанинг биринчи парвариши қай аҳволдалиги ва бошқа ишларнинг боришини текшириш учун Калинин ҳамда Оҳангарон районларидан келган мусобақадошлар уч кундан бери Оржоникидзе район колхозлари далаларида ўзаро текшириш ўтказиб юриптилар.

Калинин районидан келган вакиллар биринчи куни райондаги Молотов номли колхозда бўлдилар. Бу колхознинг пахта майдони ўртача бўлса ҳам, лекин ҳосил етиштириш жиҳатидан областимиздаги илғор колхозлардан қолишмайди. 412 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириб беришга қарор қилинган. Даладаги иш ана шу мажбуриятга яраша бораяптими? Бу саволга қуйидаги фактлар блан жавоб берамиз:

Калинин район Ленин қишлоқ советининг раиси А. Тўйчиев, шу райондаги «XVIII партс'езд» колхозининг бригада бошлиги Т. Избосаров, Қозоқкенгсой қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз давлат агрономи А. Абдурасулов ўртоқлар дастлаб колхознинг иккинчи бригадасида бўлдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мусобақадошларга бу бригададаги иш намунали эканлигини олдиндан та'кидлаб қўйдилар. Ҳақиқий аҳвол бундай бўлиб чиқмади. Культиваторларнинг ишчи органлари нотўғри ўрнатилгани учун қатор ораларини юмшатиш паитида ғўзалар тупроқ блан кўмиб юборилган. Айрим карталарнинг атрофига ҳалигача ўқариқ олинмаган, олинган ўқариқларга эса чигит экилмаган.

Бу бригада а'золари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Колхозчилар агитаторни ҳалигача кўрган эмаслар. Дала ишларини безатилмаган «Жанговар варақа»лар шу пайтгача бир марта ҳам чиқарилмаган, «Ҳурмат тахта» бригада омборида чанг босиб ётипти. Колхоз партия ташкилотининг секретри ўртоқ Г. Абдуазимов мусобақадошларга «Ишимиз жойида», деб бирнеча марта айтган бўлса ҳам, лекин партия ташкилоти қилиши керак бўлган зарур ишлар ҳозиргача бажарилмай ётипти. Район партия комитети томонидан шу колхоз учун ажратилган плакатлар, қишлоқ хўжалигига доир турли китобчалар шу пайтгача колхозга олиб келинмаган. Колхознинг еттита бригадасидан биттасида ҳам дала шийпонлари безатилмаган. Болалар боқчалари, яслилари яхши ишламаётир.

Буларнинг ҳаммаси тузатилиши мумкин ва зарур бўлган камчиликлар, албатта. Лекин колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ишга бирёклама раҳбарлик қилаётганлиги учун районда илғор ҳисобланган бу колхозда юқоридаги камчиликлар содир бўлаётир.

Яна бир мисол: мусобақадошлар ўртоқ С. Олимов бошлиқ бригадада ҳам бўлдилар. Бригаданинг жуда кўп ерлари қатқалоқ бўлганлигидан, ғўзалар ниҳоятда секин ривожланмоқда. Ўзаро текшириш бригадасининг вакили ўртоқ Т. Избосаров бригада бошлиги С. Олимовдан бу аҳволнинг сабабини сўраганда, у:

— Ишларимиз кўпайиб кетиб, қайсибирини бажаришни билмай қолдик... деб айбни хас-пўшлашга уринди.

Аҳвол ўртоқ Олимов айтгандек эмас. Бригадада техника кучи ҳам, ишчи кучи ҳам етарли. Лекин булардан ўз ўрнида, усталик блан фойдаланилмаётир. Бригаданинг 63 гектар пахта экадиган ерларини кўриб чиқилганда, шу пайтгача ўқариқ олинмаганлиги, пайкаллар бошидаги қаторлар юмшатилмаганлиги, айрим ерларда ғўзалар сифатсиз суғорилаётганлиги аниқланди.

Бундан ташқари ўзаро текшириш бригадасининг а'золари Молотов номли колхозда беда ўриш, қурт боқиш ишлари ниҳоятда ёмон аҳволда эканлигини ҳам очиб ташладилар. Иккинчи бригадага қарашли бедалар тизза бўйи бўлиб ўсиб етипти. Лекин ҳозиргача ўрим бошламаган. Мусобақадошлар учинчи бригада дала шийпони ёнидаги уйга кирдилар. Бу уйда ув қути қурт боқилаётганлиги ма'лум бўлди. Пиллачилик звеносининг бошлиги ўз ишини яхши билмаганлигидан иккинчи ёшга ўтган қуртлар тор жойда боқилмоқда.

Шу хилдаги камчиликлар Оржоникидзе районининг бошқа колхозларида ҳам учрайди. Дастлабки кунларда йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиб, ғўзз парваришини ҳартарафлама кучайтириб юбориш, ипак қуртларини намунали боқиш керак. Бунинг учун барча имкониятларни дала ишларига тўла сафарбар этиш, мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятга яраша меҳнат қилиш Оржоникидзе район пахтакорлари ва механизаторларининг асосий вазифасидир.

Яна шу нарсани алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, районда ола чиққан қаторларга қўшимча чигит экиш ишлари ёмон бажарилмоқда. Бу соҳада райондаги Киров номли пахта тайёрлаш пунктининг ходимлари фаолиятсизлик кўрсатмоқдалар. Молотов номли колхоз ола чиққан қаторларга экиш учун бир тонна чигит олиши керак эди. Бюрократлашиб қолган пункт мудири Тошматов чигитни икки кун давомида колхозга бермай, ишнинг кечикишига сабаб бўлган. Натижада колхознинг жуда кўп пайкалларидаги ўқариқларга чигит экиб бўлинмаган.

Ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юбориш пайти келди. Калинин ва Оҳангарон районларидан келган ўзаро текшириш бригадалари кўрсатиб бераётган хато ва камчиликларни тезда тугатиб, ғўзаларни тез сур'ат блан ва юқори сифатли парвариш қилиш Оржоникидзе район пахтакорларининг жонажон ишидир.

## Гектаридан 40 центнердан пахта олиш учун

«Малик» совхозининг 4-нчи бўлимидаги ўртоқ Ҳамро Жумаев бошлиқ иккинчи бригада ишчилари ва механизаторлари бу йил 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар. Бригаданинг ишчи ва механизаторлари эрта кўкламданоқ мажбуриятга яраша ишга киришиб, фидокорона меҳнат қилдилар. Чигит барвақт экилди, ғўзалар 1 майгача яганадан чиқарилди ва яхшилаб парвариш қилинмоқда. Ҳар гектар ерда 90—100 минг тупдан ғўза ўстирилмоқда.

Ҳозир бригадада ғўза парвариши намунали олиб борилаётир. Шунингдек ғўзани озиқлантириш ва суғориш ишларига ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, насос установкалари текширилиб, камчиликлари тузатилди, сув чиқариш учун тахт қилинди. Участкаларга тажрибали сувчилар тайин қилинди, бошариқлар тартибга солиниб, ўқариқлар ўрни яна бир марта кўздан кечирилди. Маҳаллий ва минерал ўғитлар тайёрлаб қўйилди.

Т. СУЛАИМОНОВ.

## Илғор бригадалар

Ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг а'золари чигитни биртекисда ундириб олиб, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Колхознинг Болтабоев, Тошматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши айниқса намунали олиб борилмоқда. Бу бригадаларнинг ғўзалари дастлабки парваришдан чиқарилди. Универсалчилардан Рустамов, Ғозиболев ўртоқлар ғўза культивациясида берилган топшириқни ҳардоим ошириб бажармоқдалар.

## *Комсомоллар намуна бўлмоқда*

Чиноз район Яллама қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозида хизмат қилаётган комсомол ва ёш механизаторлар ғўза культивациясини кундан-кунга қизитмоқдалар.

Учинчи бригада тракторчиларидан Алиев, Мадалиев ва 2-нчи бригада тракторчиси Юсуфалиев ўртоқларнинг ҳар бири мавсум охиригача 1200 гектар ерди ғўзани культивация қилиб бериш мажбуриятини олдилар. Улар ўз машиналарига яхши қараганликлари, меҳнатни тўғри ташкил этганликлари учун ҳар куни 12 — 13 ўрнига 18 — 20 гектар ерди ғўзани культивациядан чиқармоқдалар.

Комсомоллар ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан бошқа универсалчиларга намуна бўлмоқдалар.

М. УМАРОВ.

## Сабзавот маҳсулоти кўпайтирилади

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозда металлургларг, цементчилар шаҳри аҳолисини картошка ва турли хил сабзавот маҳсулотлари блан мўл-кўл та'минлаш мақсадида бу йил алоҳида сабзавотчилик бригадалари ташкил қилинди. Ўртоқ Шодиев бошлиқ бригада а'золари 60 гектар ерга эртаги картошка, Ўртоқ Синельников бригадаси 24 гектар ерга сабзавот, 21 гектар ерга полиз экинлари ва 44 гектар ерга картошка эқдилар. Ҳозирги кунда колхозчилар мўл ҳосил олиш учун сабзавот экинлари парваришини қизғин олиб бормоқдалар.

А. ЭҲСОНОВ.

## *Илғорлар тажрибаси ҳақида китоблар*

Ўзбекистон Давлат нашриёти қишлоқ хўжалиги илғорларининг тажрибаларни пропаганда қилучи бирқанча янги китоблар нашр этди. Булар орасида В. Крупчинскийнинг «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қудрат Мелиқулов звеноси», В. Е. Кабаеванинг «Пахтадан юқори ҳосил олиш учун», М. Т. Лактаевнинг «Свердлов номли колхознинг янги сугориш системасига ўтишдаги тажрибаси», В. Ф. Никитининг «Мўл пахта ҳосили устаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарифбой Ботиров» деган китоблари бор.

Бу китоблар республикамизнинг турли область ва районларидаги колхозларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида эришилган ютуқларни оммалаштиришга хизмат қилади.

# Картошка ва сабзавот экинларини илғор агротехника асосида парвариш қилайлик

Сабзавотчилик колхозларида эртаги карам, картошка, сабзи, пиёз сингари экинлар экилиб бўлди. Памидор, бодринг, қовун, тарвуз ва бошқа шу каби экинларни яппи экадиган, кечки карам, картошкани экишга тайёргарлик кўрадиган пайт келди.

Шу кунларда сабзавотчилик колхозлари кечки сабзавотлар экишни қизғин давом этдириш блан бирга, эрта экилган экинларни парвариш қилишни ҳартомонлама кучайтириб юборишлари лозим.

Эртаги карамни парвариш қилишда, даставвал, қатор ораларини культивация қилиш ва кетман блан чўқур юмшатиш, уни минерал ўғит блан яхши озиқлантириш жуда муҳимдир. Кузги шудгор олдидан суперфосфат солинмаган ерларда карамни биринчи озиқлантиришда гектарига 100—120 килограмм аммиак селитраси, 200 — 250 килограмм суперфосфат солиш керак. Қатор оралари КД, НКУ — 2,8 маркали культиваторлар ва бошқа шу каби машиналар блан юмшатилади. Трактор культиваторлари бўлмаганда, от культиваторлар ишлатилади. Ўғит СУЗ ёки КОН — 2,8 П ўғитлагичлари блан 10 — 12 сантиметр чуқурликда солинади. Сўнгра ривожланиш даражасига қараб, ҳосил тугиш олдида, культивациядан кейин 2-нчи марта озиқлантириш керак. Ерда нам етарли бўлганда, карамни суғоришда унчалик шошмаса ҳам бўлади. Намлик бўлмаса, ерда нам камайиб қолса, биринчи суғоришни ўғит солгандан кейин ўтказиш мумкин.

Картошка униб чиқиши блан қатор ораларини трактор культиватори блан узунасига, картошка уялаб-квадрат шаклда экилган ерларда эса, кўндалангига ҳам ишлашни қизитиб юбориш зарур. Ўсимлик тупларининг атрофи кетман блан юмшатилади, шу блан қатқалоқ ва ёввойи ўтлар йўқотилади. Ўсиш даврида картошка қатор ораларини 10 — 12 кун оралатиб икки марта чуқур қилиб юмшатиш керак.

Озиқлантиришни ҳам икки марта ўтказиш зарур. Биринчи марта картошка ялпи униб чиққач, биринчи культивациядан кейин озиқлантирилади. Бунда гектарига 200 — 250 килограмм суперфосфат, 100—150 килограмм аммиак селитраси солинади. Иккинчи марта, гуллаш олдидан гектарига 100 — 120 килограмм селитра ҳисобидан озиқлантирилади.

Эртаги картошкани парвариш қилишдаги энг муҳим шарт — тупроқни доимо юмшоқ ҳолда, ёввойи ўтлардан тоза тутишдир. Ерда нам етарли бўлса, тез-тез ёмғир ёғиб турса, биринчи суғоришни ўтказишга унчалик шошиш керак эмас. Биринчи суғоришни ғунчалаш пайтида, иккинчи озиқлантиришдан кейин ўтказиш мумкин. Ёмғир ёғмай, тупроқда нам камайиб қолган тақдирдагина суғоришни биринчи озиқлантиришдан кейин ўтказиш керак. Бу ишни юқори сифатли қилиб, пушталарни сув бостирмасдан ўтказиш жуда муҳим. Картошка ялпи гуллаб, ҳосил тугабошлагандан кейингина уни анча тез-тез суғориб туришга тўғри келади. Лекин бу даврда ҳам ҳарбир участкانинг хусусиятини назарга олиш керак. Сизот сувлар яқин бўлган пастлик ерларда ортиқча суғориш ярамайди. Айрим участкаларда ҳатто суғормасдан ёки бир-икки марта суғориш блан ҳам юқори ҳосил етиштириш мумкин. Ер бирмунча баландроқ бўлган жойларда масалан, Калинин районидаги Ворошилов номли, Сталин номли колхозларда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида камида 4—5 марта суғориш керак.

Эртаги пиёз, сабзи, лавлагини парвариш қилишда далаларни доим юмшоқ ва ёввойи ўтлардан тоза тутиш жуда муҳимдир. Бу экинлар ҳамма жойда текис униб чиқди. Лекин кўп жойда ёввойи ўтлар ҳам пайдо бўлди. Агар бу ўтлар тезда йўқотилмаса, улар экинларнинг авж олиб ўсишига халақит бериши ва юқори ҳосилга зарар етказиши мумкин. Пиёз ва сабзини парвариш қилишда яганани ўз вақтида ўтказиш, озиқлантириш, ҳашаротларга қарши курашиш катта аҳамиятга эгадир. Ўғитни кўп, лекин ёки ҳамма ерга бир марта ўғитлаш блан ҳосилнинг ортиқ бўлиши ва ҳосилдорлик ошиши ҳеч гап эмас. Ер бирмунча ўғитлаш учун етарли бўлмаса, ўғит экилиш блан дала дарҳол суғорилади.

перфосфатга ғўнг аралаштириб қатор ораларига қўл блан сепиш мумкин. Кузда экилган пиёз гектарига 100—200 килограмм селитра ва 150 килограмм суперфосфат ҳисобидан ўғитланади. Ўғит машина блан 10 —12 сантиметр чуқурликка кўмилади. Иккинчи озиқлантириш гектарига 100 — 120 килограмм азот ҳисобидан ҳосил тугиш бошланганда ўтказилади.

Эртаги сабзавотларни агротехника қоидалари асосида юқори сифатли парвариш қилиш блан бирқаторда, памидор, боқлажан, бодринг, қовун, тарвуз, қовоқ сингари экинларни экишга тайёргарлик кўришни ҳам ҳартомонлама тезлатиш лозим.

Ўрта муддатларда экиладиган экинларни кузда шудгор қилинган ерларга дастлаб чизель блан юмшатиб экиш яхши. Зичланиб қолган оғир тупроқ ерларда экиш олдидан шудгорни қайтадан ҳайдаш керак. Памидор тўғри бурчак шаклда қилиб, эгат оралиги 180 сантиметр, ўсимлик туплари оралиги 60 сантиметр қилиб экилади. Ҳар гектар ерда 18.000 туп ўсимлик бўлиши лозим. Ишлабчиқаришда кенг синаб кўриш мақсадида, айниқса тувакчаларда экканда, 70х70 сантиметр қилиб квадрат шаклида экиш усулини ҳам қўлланиш мумкин.

Памидорни тўғри бурчак шаклда қилиб экканда, дала дастлаб трактор культиватори блан 60 сантиметрдан маркировка қилиб чиқилади, сўнгра ана шу маркер чизиқлари кўндалангига, суғориш томонига қаратиб, НКУ — 2,8 маркали культиваторга ўрнатилган қўш окучник блан икки суғориш эгати оралиғини 180 сантиметр қилиб қўш эгат олинади. Кўчат эгатнинг икки томонига ўтказилади. Лекин дала дастлаб суғорилиши керак.

Памидор кўчатларини квадрат қилиб СРН — 4 маркали махсус кўчат машинаси блан ёки далани дастлаб 70х70 сантиметрдан квадратларга бўлиб чиқиб, қўл блан ўтказиш мумкин. Тувакчадаги кўчатлар маркер чизиқлари бир-бирини кесиб ўтган жойларга ўтказилади. Кўчат ўтказилиб бўлгач, суғориш эгатлари олинади. Кўчатни тувакчасиз, қуллаш олдидан усулда экканда, маркернинг бир ери 12—15 сантиметр чуқурликда эгат олиб боради. Бу эгат суғориш эгати хизматини ўтайди. Кўчат ерни суғоргандан кейин эгатнинг ёнларига экилади.

Бодринг ҳам шундай усулда экилади. Бодринг уруғини тупроқнинг намига қараб, экиш олдидан ерни суғориб ёки суғормасдан экиш мумкин. Уялаб, квадрат қилиб экканда уруғни ивитиш яхши, намгарчилик кўп бўлган бу йилги кўкламда уруғни ернинг ўз намига ундириб олиш мумкин. Яганадан кейин ҳар уяда икки тупдан ўсимлик қолдирилади.

Қовун уруғи ернинг унумдорлигига қараб қатор ораларини 2,5 — 2,8 метр, ўсимлик туплари оралигини 70 сантиметр кенгликда икки из қилиб экилади.

Тарвуз экканда қатор оралиги 3,5 метргача кенгайтирилади. Маркировка қилиш ва эгат олиш усули памидорникидан фарқ қилмайди. Фақат қатор оралари кенгайтирилади, холос. Шу блан бирга қовунни 140х140 сантиметрлик ва тарвузни 160х160 сантиметрлик схема бўйича, ҳар уяда иккитадан ўсимлик қолдириб, уялаб-квадрат шаклда экишни ҳам кенг синаб кўриш тавсия қилинади.

Қовун ва торвузни уялаб, квадрат қилиб экканда — дала трактор культиваторлари ёки от маркерлари блан 140х140 ёхуд 160х160 сантиметр оралиқ блан кўндалангига ҳам маркировка қилинади. Дастлаб ивитилган уруғ ерни суғормасдан маркер излари блан бир-бирини кесиб ўтган жойда уяга экилади. Ёмғир ёғмаса, уруғ униб чиққач қўш окучник блан қатор оралатиб олинган эгатлар бўйича далани суғориш керак. Суғорилгандан кейин эгатлар кўмилади, шундай қилганда ерда нам кўпроқ сақланади, ўсимликларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб берилади. Агар ерда нам уруғнинг униб чиқиши учун етарли бўлмаса, уруғ экилиш блан дала дарҳол суғорилади.

Ўрта муддатларда экиладиган сабзавот ва полиз экинларини парвариш қилишда асосий вазифа — экиш муддатларига қаттиқ риоя қилишдир.

Ҳозирги вақтда бутун куч памидор ва бошқа полиз экинларини ўз вақтида экиб олишга қаратилиши лозим. Даставвал, барча колхозчилар ва МТС ходимлари оперативчилик блан ишлашлари, ишчи кучлари ва механизмлар иш участкаларига тўғри тақсимлаб қўйилиши, улардан жуда унумли фойдаланилиши керак. Бирорта ҳам агрегат бекор турмаслиги лозим.

Лекин, уруғ экиш блангина иш битмайди. Уруғни ҳамма жойда текис ундириб олиш, қатор ораларини яхши ишлаш, тупроқни доим юмшоқ ҳолда, ёввойи ўтлардан тоза тутиш керак. Қатқалоқ пайдо бўлганда, агар уруғ ҳали униб чиқмаган бўлса, қатқалоқни йўқотиш ва уялардаги уруғларнинг аҳволини текшириш ишини дарҳол уюштириш керак. Агар уруғ чиримаган бўлса, унинг униб чиқишига фақат қатқалоқ тўсқинлик қилаётган бўлса, қатқалоқни юмшатиш ва уруғни тезроқ ундириб олиш учун уруғ суви бериш зарур. Уруғ кўплаб чириган бўлса, қўшимча ёки еппасига қайтадан уруғ экиш лозим.

Сабзавот экинларига ҳашоратлар тушса, дарҳол унга қарши курашни уюштириш, дори пуркаш ёки чанглаш йўли блан уларни қириб ташлаш, ёввойи ўтлар пайдо бўлган жойларда, бегона ўтларни илдизи блан суғириб ташлаш ва йўқотиш керак. Агар ёввойи ўтларнинг илдизи қолдирилса, улар яна ўсиб чиқади ва қайта-қайта ўташга тўғри келади.

Эртаги сабзавот экинларини ва картошкани парвариш қилиш, памидор, бодринг ва полиз экинларини экишни тезлатиш блан бирга, кечки картошкани экишга тайёргарлик кўришни ҳартомонлама кучайтириб юбориш зарур. Областимизда кечки картошкани экадиган энг қулай вақт 15 майдан 5 июньгача ҳисобланади. Кечки картошкани ўз вақтида экиш учун ҳозирданоқ бирқанча тадбирларни амалга ошириш зарур. Даставвал, уруғлик картошкани ўралардан олиш, уни саралаш, касалланган ва чириган картошкалардан тозалаш, ниш-ларини синдириб ташлаш керак. Уруғлик ана шундай саралангандан кейин салқинроқ бинода 25 — 30 сантиметр қалинликда ёйиб сақланади. Агар картошка аллақачон ўрадан олинган ёки ҳамма вақт махсус омборларда сақланаётган бўлса, кун исиши блан уни доим кузатиб туриш, чириган картошкалардан тозалаш, ниш-ларини синдириб туриш керак.

Кечки картошка СКК —4 маркали машина блан уялаб-квадрат шаклда ёки олдиндан маркировка қилинган далага қўл блан экилиши лозим. Квадрат оралиги 70х70 сантиметр қилинади. Ҳар уяга иккитадан картошка экилади. Май ойида ва июнь ойи бошларида экканда уруғ ернинг ўз нами блан униб чиқаверади. Агар ерда нам етарли бўлмаса, уруғ суви бериш талаб қилинади.

Сабзавотчилик колхозларида эртаги ва ўрта муддатлардаги сабзавотларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги агротехника қоидалари ана шулардан иборат. Сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун бу қоидалар ҳамма сабзавотчилик колхозларида ўз вақтида юқори сифатли қилиб бажарилиши лозим. Шу кунларда барча колхозчилар, тракторчилар, механиклар, МТС ва колхоз раҳбарлари бу қоидаларни тўла амалга ошириш учун тинмай кураш олиб боришлари керак. Сабзавот ва картошкадан юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шартлари ана шулардир.

П. НЕСТЕРОВ,
Область қишлоқ хўжалик бошқармаси мева-сабзавот бўлимининг бошлиғи.

Г. АБДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

В. ЕРМОХИН,
Сабзавотчилик-картошка тажриба станцияси директорининг ўринбосари.

Т. НУРМУҲАМЕДОВ,
Қорасув райондаги Ленин номли колхознинг раиси.

# Ашула байрамига пухта тайёрланайлик

Серкуёш Ўзбекистонимизнинг бахтиёр меҳнаткашлари 16 май куни Ашула байрамини ўтказадилар. Бу байрам Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқимиз маданияти, сан'ати ва адабиётини ривожлантириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганликларининг яна бир ёркин намунаси бўлади.

Областимиздаги қўплаб Маданият саройлари, ажойиб маданият уйлари, қизил бурчаклар, кўркам клублар меҳнаткашларни коммунизм ғояларига содиқлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг бадиий завқи, ихтиро'си ва ижодкорлик қобилиятини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Турли ёш, турли касбдаги кишилар ўзлари севган ҳаваскорлик тўгараклари-да қатнашиб, ўз сан'атларини намойиш қилмоқдалар. Областимиздаги юзлаб хор, музика, рақс тўгаракларининг а'золари бўлган минглаб меҳнаткашлар ўз ижро этиш қобилиятларини, фикрлаш доираларини оширмоқдалар.

Ҳозир областимиз шаҳар ва қишлоқларидаги барча корхона, муассаса, мактаб, олий ўқув юрти, колхоз, совхоз ва МТС ларда халқимиз ижодий кучлари ва талантини намойиш қилучи Ашула байрамига тайёргарлик қизиб кетди. Ашула байрами бадиий ҳаваскорлик тўгараклари-нинг янада ривожланишига, уларнинг бадиий савиясини кўтаришга, хор ва музика маданиятининг юксалишига, Совет қўшиқларини оммалаштиришга ёрдам беради. Қўшиқларимиз халқимизнинг моддий ва маданий бойликлари хазинасидаги энг қимматли дурдоналаридандир.

Қўшиқ кишининг бутун ҳаётида унинг йўлдошидир, у инсон орзу, умид ва интилишларини ифода қилади. Қўшиқ ҳарбир кишига меҳнатда ҳам, жангда ҳам катта ёрдам беради. Қўшиқ катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўзбек халқининг отоқли оқсоқоли Охунбобоевнинг сог одам қўшиқни севади, дейиши ҳам бечиз эмас. Лебедев—Кумачнинг бир ше'рида айтилганидек, қўшиқ ҳаётни қуришда, яшашда бизга катта ёрдам беради. Шунинг учун партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари Ашула байрамига пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига катта ёрдам бермоқдалар.

Ўтган йили Тошкент областида 330 бадиий ҳаваскорлар тўгараги ишлаган бўлса, бу йили Ашула байрамига тайёрланаётган 550 бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида 10 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. Областимиз мактабларида эса 100 мингдан ортиқ ўқучи янги қўшиқларни ўрганмоқда.

Ашула байрамига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига ёрдам бериш мақсадида Тошкент областидаги шаҳар ва районларга жўнаб кетган маданият арбоблари ва республика музика ўқув юртлари ўқитучиларидан 16 киши жойларда яхши фаолият кўрсатмоқда.

Ашула байрамига тайёрлик ишлари айниқса Оржоникидзе районда яхши ташкил этилган. Бу районда ташкил этилган 18 бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида машғулотларига 424 киши мунтазам қатнашиб турипти. Яқинда район марказида, Троицкий ва Киров номли посёлкаларда бирлашган хор коллективларнинг машғулотлари бўлиб ўтди. Бу-ларда 700 дан ортиқ киши иштирок этди. Райондаги «Ташхлопмаш» заводи (раҳбари ўртоқ Шчекин), район маданият уйи (раҳбари ўртоқ Артемьев), 1-нчи ва 2-нчи мактаб бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг коллективлари яхши иш олиб бормоқдалар.

Ўртачирчиқ районида Ашула байрамига қилинган тайёргарлик кўраётган 18 тўгаракка 468 киши жалб этилган (ўтган 1953 йилда ҳаммаси бўлиб 13 тўгаракка 146 киши жалб этилган эди).

Юқоричирчиқ районидаги биринчи Луб заводи, «Правда», «Политотдел» наби колхозларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ҳам намунали иш олиб бормоқда. «Политотдел» колхозидаги хор, рақс, музика, драма тўгаракларининг ҳар йилларда бери мунтазам ишлаб келмоқдалар. Тўгарак а'золари тез-тез колхозчиларга концертлар кўрсатиб турадилар. 30 апрель куни Биринчи Май байрамига бағишлаб берилган концерт қишлоқ меҳнаткашларида катта таассурот қолдирди.

Бу колхоздаги ўрта мактаб ўқитучилари Чен Ги Нам ва А. Цой ўртоқлар раҳбарлик қилаётган духовой ва музика асбоблари оркестрлари тўгараклари меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Бу йил Верхне-волинск районидаги бадиий ҳаваскорлар сони ўтган йилдагига нисбатан анча ортди. 1953 йилда райондаги 5 ҳаваскорлик тўгарагида атиги 58 киши қатнашган бўлса, ҳозир тўгараклар сони 16 га, а'золар сони 214 кишига етди. Райондаги 12-нчи, 14-нчи мактабларнинг, «Победа», Жданов номли колхозларнинг, шунингдек район маданият уйининг хор коллективлари Ашула байрамига намунали тайёргарлик олиб бормоқда. Бу хор тўгарак ва коллективларининг бадиий раҳбарлари Ким, Икромов, Ҳожиев ва бошқа ўртоқлар машғулотларнинг самарали ва қизиқарли бўлишига эришмоқдалар.

1953 йили Гулистон районида битта ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгараги йўқ эди. Ҳозир бу ерда 233 киши бадиий ҳаваскорлик тўгарак ишларига тортилган бўлиб, улар учун ташкил этилган 15 тўгарак қизиқарли иш олиб бормоқда.

Тошкент область Октябрь районидаги Каганович номли колхоздаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги яхши ижодий иш олиб бормоқда. Тўгарак қатнашчилари «Олтинкўл», «Аршин мололон», «Туҳматчилар жазоси» пьесаларини саҳнага қўйиб колхозчиларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Улар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий вафотининг 25 йиллигига бағишланган махсус программа тайёрлаб қишлоқ меҳнаткашларини мамнун қилдилар. Драма тўгарагининг ижодий коллективи «Юрак сирлари» пьесасини Май байрами кунларида колхозчиларга кўрсатди. Тўгаракнинг энг актив а'золаридан колхозчи Очил Отахонов, Мамадали Мусаев, Тошканбой Абдураҳимов, Олимахон Абдуллаева, Жўрахон Эсонбекова, Улфатхон Абдуллаева, Ма'фират Пўлатова ва юз центнерчи звено бошлиғи Қўзибой Қодировлар ўз ижодий қобилият ва сан'атлари блан қишлоқ аҳолисининг катта ҳурматини қозонганлар. Тўгарак ишларига колхоз а'зоси Жўра Қодиров бадиий раҳбарлик қилмоқда.

Оққўрғон районида 1952 йилда ташкил қилинган маданият уйи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагида фақат 5 киши иштирок этган бўлса, ҳозир бу тўгаракнинг а'зоси 25 кишидан ортиқдир. Г. Эргашев раҳбарлик қилаётган бу тўгарак а'золари турли касбдаги кишилардан ташкил топган. Сиз унда райком комсомол комитети ходими Қумри Абдуллаевани, омонат кассасида ишловчи ўртоқ Юлаевани, сельио ишчиларидан Ағадуллина, Хайтметов ўртоқларни, район ЗАГС бюроси ходими Д. Хабибуллинани ва район партия комитети ходими Маматносимов ҳамда бошқа кўпгина ҳаваскорларни учратасиз. Тўгарак коллективи Ашула байрами арафасида К. Яшининг «Офтобхон» пьесасини саҳнага қўйди. Тўгарак ҳаваскорлари СССР Олий Советига сайлов даврида ва кўклам дала ишлари вақтида аҳолига катта маданий хизмат кўрсатди. Область ижроия комитети бу тўгаракнинг ишини яхшилаш учун маблағ ажратди.

Бекобод шаҳрида Ашула байрамига тайёргарликни янада кучайтириш мақсадида 22 кишидан иборат тузилган Ашула байрамини ўтказучи шаҳар комиссияси яхши иш олиб бормоқда. Ашула байрамини ўтказучи шаҳар комиссиясида (раиси ўртоқ Караваев) комсомол ва касаба союз активлари, 11 музикант бор. Металлургия заводининг духовой оркестри ва шаҳардаги музика мактаби ҳам Ашула байрамида қатнашади.

Чирчиқ шаҳридаги 33 бадиий ҳаваскорлик коллективи 664 кишини бирлаштиради. «Чирчиксельмаш» заводининг клуби (бадиий раҳбари Лишанина ва Ромер ўртоқлар), «Средазхиммаш» заводи (бадиий раҳбари ўртоқ Вороненко) хор коллективлари Ашула байрамига намунали тайёргарлик кўрмоқдалар.

Янгийўлда ишлаб турган 49 бадиий ҳаваскорлик тўгарагини уюшган 1975 киши Ашула байрамини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик олиб бормоқда.

Областимиздаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари «Совет Иттифоқи Давлат Гимни», «Дўстлик Гимни», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», «Демократик ёшлар Гимни», «Қаҳрамон қизлар», «Партия — етакчимиз» каби оммавий совет қўшиқларини, ўзбек, рус, украин, закат-пат қўшиқ ва рақсларини қунт блан ўрганмоқдалар.

Тошкент Давлат консерваторияси областимиздаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига ёрдам бериш учун ажратган кўпгина ўқитучилар, дирижёр ва юқори курс студентлари самарали иш олиб бормоқдалар. Ашула байрамини ўтказучи Тошкент шаҳар комиссияси районларга хор сан'атининг отоқли усталаридан ва дирижёрлардан бир қанча кишини юборди. Консерваториядa шаҳар хор коллективларининг раҳбарлари блан семинарлар, тажриба олмашув кенгашлари ўтказилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бу йилги Ашула байрамини муваффақиятли ўтказишимизга катта имкониятлар беради.

Броқ областимизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида Ашула байрамини ўтказиш учун олиб борилаётган тайёргарлик яхши уюштирилган деб бўлмайди. Бу ҳол кўп ижодгарлар маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳалқимизнинг бадиий қобилиятини намойиш қилучи, унинг ижодий кучларига кўрик бўлучи Ашула байрамини ўтказишнинг моҳиятини етарли тушуниб етмаганликлари натижасида содир бўлмоқда.

Мирзачўл, Паркент районларида Ашула байрамига тайёргарлик ишлари ёмон ташкил қилинган. Мирзачўлда бор-йўғи 2 та хор коллективи тузилган, холос. Паркент районида эса 1 та хор коллективи бор. Паркент район Маданият уйи райондаги 3 та бадиий ҳаваскорлик тўгарагига амалий ёрдам бермай келаётир, уларнинг ишига ра

# Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 4 май. (**ТАСС махсус мухбири**). Бугун ташқи ишлар министрлари Жанва кенгашининг қатнашчилари ўзларининг еттинчи мажлисида Корея масаласини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Ван Вайтхаякон (Таиланд) ранслик қилди.

Корея масаласи юзасидан бўлаётган дискуссиянинг марказида Кореянинг миллий бирлигини тиклаш ва шу мақсадда эркин умумкорея сайлови ўтказиш тадбирлари ҳақида 27 апрельда Корея Халқ-Демократик Республикаси делегацияси томонидан кенгаш муҳокамасига тақдим этилган таклифлар турибди.

Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш корейс халқининг ўзига топширилиши керак деган адолатли принципга асосланган бу таклифларни Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи делегациялари қўллаб-қувватладилар. Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи делегациялари ўз кучларини Корея масаласини корейс халқининг миллий орзуларини э'тиборга олиб ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берадиган бир таҳлидда ҳал этишга қаратмоқдалар.

Нам Ир ва Чжоу Энь-лайнинг 3 майдаги мажлисда сўзлаган нутқлари, уларнинг муҳокама вақтида берилган саволларга қайтарган жавоблари, жумладан аралаш умумкорея комиссиясига Кореянинг ҳар икки қисмидан қанча вакил киритилиши кераклиги ҳақида берилган саволга қайтарган жавоблари (чунки кенгашнинг ба'зи қатнашчилари буни мураккаб проблемага айлантирмоқчи бўлиб уринган эдилар), ниҳоят, Чжоу Энь-лайнинг ҳарбий асирлар ҳақидаги масала юзасидан қилган таклифлари Корея масаласи юзасидан бўлган дискуссияга қўшилган янги ижобий ҳисса бўлди.

Бугунги мажлисда сўзга чиққан Канада ташқи ишлар министри Пирсон ўз нутқининг бошидаёқ Канада делегациясининг Корея проблемасини ҳал этишга бирор таклифи қувватлайолмайди, деди. Канада вакили корейс халқининг вакиллари иштирокисиз қабул қилинган бу резолюциялар БМТда Америка тарафдори бўлган кўпчиликнинг зўри блан ғайри қонуний равишда қабул қилинганлиги ва Корея масаласини ҳал этишга сра ёрдам бераолмаслиги каби рад этиб бўлмайдиган факт блан ҳисоблашишни истамади. Пирсон қурби етмайган вазифани — муҳокама қилаётган масалада АҚШнинг позициясини оқлаш вазифасини ўз зиммасига олди. У мана бу хил хунук ишни оқлаш учун ҳеқандай далил топаолмаганлиги сабабли Совет Иттифоқининг снёсати ҳақидаги бема'ни ўйдирмаларни такрорлаш блан оқлашга зўр бериб уринди.

Пирсон АҚШ ва Жанубий Корея ма'мурлари томонидан 48 мингдан кўпроқ корейс ва хитой ҳарбий асири зўрлик блан ушланиб қолганлиги ҳақидаги масалани ҳал этишга қаратилган ва Хитой Халқ Республикаси делегацияси бошлиғи Чжоу Энь-лай томонидан қилинган таклифларга тўхталиб, бу масала гўё аллақачон ҳал этилган ва шу сабабдан уни Жанва кенгашида «муҳокама қилиш керак эмас» деган қуруқ гаплар блан бу масаладан қўл силташга уринди.

Пирсон ўз нутқининг охиридагина Корея Халқ Демократик Республикаси делегацияси тақдим этган ва Хитой Халқ Республикаси ҳамда Совет Иттифоқи делегациялари қўллаб қувватлаган таклифларга ўтди. Пирсон, бу таклифларнинг авторлари уларни «етарли изоҳлаб бермадилар» деб да'во қилди. Пирсон бу таклифларни бузиб тасвирлаб, КХДР делегациясининг таклифларида кўзда тутилган умумкорея комиссияси, я'ни умумкорея сайловини ўтказучи комиссия нуқул КХДР вакилларининг истагига мувофиқ иш кўрган бўлур эди, деб да'во қилди. Ҳолбуки КХДР ташқи ишлар министри Нам Ир ўзининг кечаги нутқида, бу комиссияда чиқариладиган қарорлар иккала томоннинг ўзаро келишуви блан қабул қилиниши лозим, деб изоҳ берган эди.

Пирсон Корея Халқ-Демократик Республикаси таклифларида умумкорея комиссиясига Шимолий ва Жанубий Кореядаги энг катта демократик жамоат ташкилотларининг вакилларини киритишни кўзда тутган моддаси нима ма'нони англатаётганлиги ўзига «равшан эмаслиги»ни ҳам айтди. Пирсон мана бу хил сохта «шак-шубҳаларни» Кореядаги эркин сайловни корейсларнинг ўзлари ўтказаолмайди, балки уни ажнабий давлатлар контроли остидагина ўтказиш мумкин деган мутлақо асоссиз да'вони асослаб бериш ниятида зўрма-зўраки ишлатди. Пирсон КХДР делегациясининг ҳамма четэл қуролли кучларини олти ой муддат ичида Корея территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги таклиф тўғрисида ўзининг фикрини айтишдан бош тортди. Ҳолбуки четэл қуролли кучларининг Корея территориясидан олиб чиқиб кетилиши корейс халқига умумкорея сайловида ўз иродасини ажнабийларнинг аралашувисиз ва таз'йиқсиз эркин ифода қилиш имкониятини берур эди.

Сўнгра Голландия вакили Лунсга сўз берилди. Пирсоннинг нутқидек, Лунснинг нутқи ҳам дискуссияга ҳеч янгилик ва ижобий нарсани киритмади. Лунс ўз нутқининг бошида, Кореяни бирлаштиришга Корея халқининг ўз иродасини эркин изҳор қилиши йўли блангина эришиши мумкин, деган бўлса ҳам, кейинчалик у КХДР делегациясининг корейс халқи учун ўз иродасини ана шундай эркин изҳор қилиш имкониятини беришга қаратилган таклифларига қарши гапирди.

Голландия вакили Кореянинг миллий бирлигини тиклаш ва шу мақсадда умумкорея сайловини ўтказиш тадбирлари ҳақида КХДР делегацияси киритган конкрет таклифлардан бош тортаётганлигини оқлаш учун бирор далил келтирмади. Бунинг ўрнига Лунс Корея японлар ҳукмронлигидан озод қилинганидан кейин унда юз берган воқиаларнинг ривожланиши ҳақида АҚШ ва Жанубий Корея делегациялари ишга солган ва ахволни бузиб тасвирлаган ҳамда ҳақиқий фактларга тамомила хилоф бўлган гапларни такрорлади.

Лунс, Жанубий Кореяда эркин сайлов ўтказилган, деб исботлашга уринди. Ҳолбуки, кенгашда КХДР ва ХХР вакилларининг нутқларида келтирилган фактлар Жанубий Кореяда 1948 йилда ажнабий давлатлар контроли остида ўтказилган сайлов аслда қонли террор ва сайловчиларга қаттиқ таз'йиқ қилиш шароитида ўтказилганлигини, бу сайлов корейс халқининг ўз иродасини эркин ифода қилишига ҳеҳқандай имконият бермаганлигини кўрсатади. Лунс БМТ Бош Ассамблеясининг Корея масаласи юзасидан чиқарган ғайриқонуний резолюцияларни ҳимоя қилди ва Корея проблемасини адолатли ҳал этишга ёрдам бераоладиган ҳеҳқандай конструктив таклифлар киритмади.

Бугунги мажлиснинг охирида Эфиопия вакили Габре Хейвот сўзлади. У, мамлакатнинг шимолий қисмидаги, шунингдек жанубий қисмидаги корейслар олдида мамлакатни бирлаштириш вазифасини ҳал этишга олиб келадиган ва ўзлари учун мақбул бўлган келишувга эришмоқ учун биргаликда ғайрат блан ишлаш вазифаси турибди, деди. Мен ишонаманки, деди у, агар ҳам Шимолдаги, ҳам Жанубдаги корейслар келишиш йўлида тегишли қадамларни қўйсалар, корейс халқининг ҳаёт-мамотига тааллуқли бўлган ўзаро мақбул бўлган бундай келишувга эришиш мумкин.

Эфиопия вакили бундай деди: менинг ҳукуматим ўз ҳарбий кучларини Кореяда ниҳоясиз узоқ вақт тутиш ниятида эмас ва уларни Кореядан мумкин қадар тезроқ олиб чиқиб кетишни ҳамда бу мамлакатни бирлашган, мустақил ва демократик давлат сифатида кўришни истар эди. Эфиопия вакили, Кореянинг икки қисмга парчаланган ҳолда қолиши Кореяда янги уруш хавфини туғдиради ва умумий тинчликка ҳамда хавфсизликка таҳдид қилади, деб уқтириб ўтди. У кенгаш қатнашчиларини Корея проблемасини ҳал этиш учун куч-қувватларини сра аямасликка чақирди.

Эфиопия вакилининг нутқидан кейин, ранслик қилучи ахборот бериб, нотиқлар рўйхати тамом бўлганлигини ва 5 ҳамда 6 майда бўладиган музокараларда чиқиб сўзлаш учун ҳеҳким ёзилмаганлигини айтди. Шу муносабат блан, ранслик қилучи яқин орадаги икки кундан турли нуқтаи назарларни яқинлаштириш мақсадида ғайрирасмий суҳбатлар учун фойдаланишни ва келгуси мажлисга 7 майда жума куни тўпланишни таклиф этди.

Бу таклифга э'тироз билдирилмади.

Шу блан мажлис ёпилди.

## НАМ ИР ҲУЗУРИДА В. М. МОЛОТОВ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ПХЕНЬЯН, 6 май. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлигининг мухбири Жанвадан хабар беради:

Корея Халқ Демократик Республикасининг Жанва кенгашидаги делегацияси бошлиғи КХДР ташқи ишлар министри Нам Ир 4 майда СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари А. А. Громико, В. В. Кузнецов, элчилар Г. Н. Зарубин, С. П. Суздалев, П. Ф. Юдин, вакил Ф. Ф. Молочков, Л. Ф. Ильичев, Н. Т. Федоренко, А. А. Солдатов ҳозир бўлдилар.

Корея томонидан зиёфатда Пэк Нам Ун, Ки Сук Бок, Чан Чун Сан, Тэн Ден Хек, Ким Тхяк Ен, Ким Мин Гу, Пан Син Дик, Мун Дя Су ҳозир бўлдилар.

Зиёфат дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

## ГЕНОЦИД ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ҲАМДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ СССР ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ЁРЛИҚЛАРНИ САҚЛАШ УЧУН ТОПШИРИШ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Доимий Вакили А. Я. Вишинский геноцид жиноятларнинг олдини олиш ва шундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги Конвенциянинг СССР томонидан ратификация қилинганлиги тўғрисидаги ёрлиқни 1954 йил 3 майда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Секретарига сақлаш учун топширди (бирор миллий, этник, ирқий ёки диний группани тамомила ёки қисман қириб ташлаш мақсадида қилинадиган ҳаракатлар геноцид деб аталади). Бу Конвенция 1948 йил 9 декабрьда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган эди.

Геноцид тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ёрлиғида СССРнинг писандаси, я'ни Конвенциянинг талқин этилиши, татбиқ этилиши ёки бажарилиши тўғрисидаги ҳарқандай низо'ни Халқаро Судга ҳал этишга топширмоқ учун ҳарбир айрим ҳолда барча низо'лашучи томонларнинг розилиги бўлиши зарур, деган писандаси, шунингдек Конвенциянинг ҳамма қоидалари ўз-ўзини бошқармайдиган территорияларга ҳам, шу жумладан васийлик остидаги территорияларга ҳам жорий қилиниши лозим, деган писандаси ҳам бор.

Шу блан бир вақтда А. Я. Вишинский хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1952 йил 20 декабрьда қабул қилинган Конвенциянинг СССР томонидан ратификация қилинганлиги ҳақидаги ёрлиқни ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Секретарига сақлаш учун топширди. Шу Конвенциянинг СССР томонидан ратификация қилинганлиги ҳақидаги ёрлиқда низо'ларни Халқаро Судга топшириш ҳақида ҳудди геноцид тўғрисидаги Конвенцияга нисбатан айтиб ўтилган писандадек писанда бор, шунингдек Конвенция ўз писандасини киритган давлат блан Конвенцияда иштирок қилучи бошқа ҳамма давлатлар ўртасида амалда бўлади, аммо писанда Конвенциянинг қайси қисмига тааллуқли бўлса, унинг шу қисми бундан мустаснодир, деган писанда ҳам бор.

Геноцид тўғрисидаги Конвенция ва хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция СССР Олий Совети Президиуми томонидан 1954 йил 18 мартда ратификация қилинган эди.

## Шанхайда Хитой-Совет дўстлиги Уйи қурилмоқда

ШАНХАЙ, 5 май. (ТАСС) Кеча Шанхайда Хитой-Совет дўстлиги Уйи қурилабошланди. Бу Уйда катта совет виставкаси жойлашади. Виставкада Совет Иттифоқининг саноат, қишлоқ хўжалик ва маданият соҳасидаги муваффақиятлари намойиш қилинади.



Тошкент Тўқимачилик институти студентлари учун қурилаётган тўрт қаватли бино битайдеб қолди. **Суратда:** ётоқхона биносининг умумий кўриниши.

В. **Салов** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆

## МТС раҳбар кадрларининг малакаси оширилмоқда

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини механизациялаш ва агротехника тўғрисида лекциялар тингладилар. Улар қишлоқ хўжалик машиналари, куроллари ва двигательларининг янги конструкцияларн блан танишдилар. Тошкентдаги машинасозлик корхоналарига ва илғор МТС ларга экскурсияга бордилар.

## Театрлар учун янги кадрлар

Тошкент театр сан'ати институтида мутахассисларнинг навбатдаги группасини чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил 23 киши актёрлик ва 20 киши режиссёрлик ҳамда театршунослик бўйича диплом олади. Диплом спектакльлари шу йил 1 июньгача кўриндан ўтказилади.

Режиссёрлардан Ш. Аббосов, Қ. Мажидов, Ю. Степчук ва бошқалар республикамиз театрларида диплом спектакльларини саҳналаштиришга киришдилар. Театршунослардан Т. Баяндиев, Т. Турсунов ва Т. Арамянцлар ўз диплом ишларида драма театрлари тарихи, отқули артистларнинг ижоди йўли ва шунга ўхшаш турли темаларни анализ қилмоқдалар.

Институт ташкил этилгандан бери 6 марта сан'ат кадрларини чиқариш маросими бўлди. Республикамиз шаҳарларидаги театрлар 333 кишидан иборат малакали сан'ат кадрлари блан та'минланди.

## Марказий лекторийда оммавий лекциялар

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг Тошкент шаҳридаги марказий лекторийсида олимлар системали равишда турли темаларда лекциялар ўқимоқдалар. Филология фанлари кандидати В. И. Маковнинг «Совет адабиётининг ҳалқаро аҳамияти» деган темада ана шу лекторийда қилган лекцияси зўр қизиқиш блан тингланди. Бундан ташқари биология фанлари кандидати Б. Ф. Гурвич «Шимолий Муз денгизининг ҳайвонот дун'ёси», биология фанлари кандидати В. В. Шчеглов «Ўтмиш ернинг ҳайвонот ва ўсимликлар дун'ёси», филология фанлари кандидати С. И. Лиходзиевский «Ўзбек совет адабиёти юксалишда» деган темаларда лекция ўқидилар.

Марказий лекторийда ўтказилаётган лекцияларни ўқишда ўнларча олим қатнашмоқда. Уларнинг «Совет театр сан'ати — дун'ёда энг илғор сан'атдир», «Халқаро аҳвол», «Халқларнинг тинчлик учун кураши», «Тошкентни реконструкция қилиш генерал плани» ҳақида ўқиган лекциялари муваффақиятли ўтди.

## Ашула байрамига тайёрланмоқдалар

Тошкентдаги мактабгача тарбия педагогика билим юртининг студентлари Сталин мукофотининг лауреати ёзучи Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесаси ҳақида диспут ўтказдилар. 4 курс ўқучиларидан Нойира Абророва «А. Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди», Соня Мусаева «Деҳқонбой образи», Лола Баязитова «Ҳафиза образи», Матлуба Мирзаева «Мовланака образи», Маҳбуба Содиқова «Холниса, Ҳамрабуви образлари», Ҳури Яҳ'ёева «Шоҳи сўзана» пьесасининг комик хусусиятлари деган темаларда қизиқарли доклад қилдилар.

Докладчилардан сўнг сўзга чиққан ёзучи А. Қаҳҳор педагогика ўқув юрти студентларига самимий ташаккур билдирди ва ўз ижодий планлари ҳақида гапириб берди.

Кеча охирида ҳаваскорлар тўгараги «Шоҳи сўзана» пьесасидан парчалар кўрсатди.

## Медицина институти студентларининг илмий конференцияси

Молотов номидаги Тошкент Медицина институтида студентларнинг XIII илмий конференцияси бўлиб ўтди. 3 кун давом этган конференцияда 70 доклад эшитилди. Педиотерия факультетининг II-курс студенти А. Скоянская «Марксизм-ленинизм халқ оммасининг жамият тарихидаги ҳал қилучи роли ҳақида», даволаш факультетининг IV курс студенти З. Айтаков «Коммунистик партия ва Совет давлатининг социализмнинг об'ектив иқтисодий қонунларидан фойдаланиши», шу факультетнинг VI курс студенти М. Фазлиддинов «И. П. Павлов та'лимоти бўйича сил касалининг келиб чиқиш ва уни даволаш ҳоралари» деган темада қилган докладлари конференция якунида юқори баҳо олди.

Студентлар конференциясининг якуни бўлажак врачларнинг ўз ихтисосларини чуқур ва мустақкам эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларини кўрсатди.

# Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши муносабати блан Швейцария матбуотининг ёзганлари

ЖАНВА, 5 май. (**ТАСС махсус мухбири**). Жанва кенгаши қатнашчилари бугун мажлис қилмайдилар. Эртага ҳам кенгашнинг ялпи мажлиси бўлмайди. Ялпи мажлисларнинг мана шундай икки кун бўлмаслигидан кенгаш қатнашчилари нуқтаи назарларни яқинлаштириш мақсадида ғайрирасмий учрашишлар учун фойдаланмоқдалар.

Швейцарияда чиқадиган газеталарнинг ба'зилари мажлисларнинг икки кун тўхтатиб қўйилишини Ҳинди-Хитойга тааллуқли кенгашда беш буюк давлатдан ва қўшилган давлатлар деб аталучи уч давлатдан ташқари яна Вьетнам Демократик Республикасининг вакилларини ҳам қатнаштириш тўғрисида келишиб бир фикрга келинганлиги блан боғламоқдалар. Газеталар, бу тўғрида мана шундай бир фикрга келиш Даллес снёсатининг маглубиятга учраши, деб ёзмоқдалар. Даллеснинг снёсати эса Ҳинди-Хитой тақдирини Жанва кенгашидан унда Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг вакилларини иштирок қилдирмасдан ҳал қилдиришга қаратилган эди.

«Ла Сюисс» газетаси та'кидлаб ёзадики, «Ҳатто Даллесга ҳайрихоҳ бўлган америкали кузатучилар ҳам АҚШ давлат секретарининг яккаланиб қолганлигини яшираолмайдилар», жумладан, Даллес «Ҳинди-Хитой проблемасини муҳокама қилишга қай тарзда кириш масаласида Бидо ва Иден блан келишмай қолганлиги сабабли» ўзини яккалаб қўйди.

Бугун газеталар Бидо бошчилигидаги француз делегациясининг мавқиига катта э'тибор бермоқдалар. Газеталар, бу делегация икки ўт ўртасида қолди, деб ёзмоқдалар.

Бир томондан, АҚШ Бидога борган сари кўпроқ таз'йиқ қилмоқда. «Ла Сюисс», «Газетт де Лозанн» ва бошқа газеталарнинг ёзишига қараганда, Американинг Франция делегациясига нисбатан яна таз'йиқ ўтказаётганлиги Даллеснинг Жанвадан кетиш олдидан Бидога юборган шахсий хатида, шунингдек Эйзенхауэрнинг Даллесга юборган ва копияси Французс делегациясининг бошлиғига топширилган телеграммасида ўз ифодасини топди. Газеталарнинг ёзишича, шу хатда ва телеграммада, АҚШнинг Ҳинди-Хитой масаласидаги «қаттиқ» снёсати асло ўзгартирилмайди, деб айтилган ва Даллес Бидодан шу снёсатни қўллаб-қувватлашни талаб қилган. «Газетт де Лозанн» газетаси ёзади: «буни Даллес жўнаб кетиши олдидан унинг Бидога юбарган ультиматуми дейиш мумкин. Даллеснинг хатида Американинг қаттиқ позицияси асло ўзгартирилмаслиги ва АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги урушга аралашиши ҳали ҳам мавжуд эканлиги аниқ қилиб айтилган».

Иккинчи томондан, газеталарнинг ёзишича, Бидо Жанвада турган вақтида унинг АҚШга бўйсуниш снёсатига нисбатан Париждаги турли доиралар қаттиқ норозилик билдираётганлигини ва бу норозилик Франция парламентининг бирқанча депутатлари томонидан Ҳинди-Хитой масаласини теэлик блан муҳокамага қўйиш тўғрисида қилинган талабда ўз ифодасини топганлигини ҳам Бидо назар-э'тиборсиз қолдириши мумкин эмас. Маҳаллий газеталар, Франция ҳукуматининг бошлиғи Ланьель Ҳинди-Хитой масаласида парламентда бўладиган музокараларни нома'лум вақтга кечиктиришни талаб қилди ва шу муносабат блан ҳукуматга ишонч билдириш масаласини қўйди, деган хабарни қизғин суратда муҳокама қилмоқдалар. «Франция ҳукуматининг ҳаёт-мамот масаласи гумон қилиб қўйилганлигининг ўзи, — деб ёзади «Газетт де Лозанн», — Жанвадаги музокараларга ва Бидонинг позициясига та'сир қилади». Газеталар ҳатто Бидонинг шошилинч равишда Парижга жўнаб кетиш эҳтимоли борлиги тўғрисида ёзмоқдалар ва Бидо ўз концелярясининг бошлиғи Фалэзнинг Париждан қайтиб келишини кутмоқда, деб айтмоқдалар. Фалэз Париждаги снёсий аҳвол тўғрисида Бидога ахборот бериши керак, шундан сўнг Бидо Миллат мажлисининг эртага бўладиган мажлисида қатнашмоқ учун Франция пойтахтига вақтинча қайтиб бориш масаласини ҳал қилади.

КИНО

# Ҳаётий кинокомедия

Москвадаги Яуза дар'ёси... Унинг зилол сувлари устидан шалаги чиққан қайиқ енгил сузиб келмоқда. Қайиқни жуда шўх, ғайратли уч бола-Сашка Лапин, Васька Нестратов ва Боря Чижовлар бошқариб бормоқдалар. Уларнинг хаёллари романтик, интилишлари юксак; улар узоқ-узоқларга ажойиб саёҳат қилишни истайдилар. Мана улар катта бўлганларида ростакам, улкан дар'ёда саёҳат қилишга тантанали равишда қасам'ёд қиладилар. Орадан кўп йиллар ўтди. Болалар бир вақт қайиқда сузган дар'ё ҳам, унинг соҳилларн ҳам, одамлари ҳам ўзгарди. Бу уч дўст ҳам ўсиб-улғайди. Оқкўнгил, мулойим, романтик С. Лапин — биология фанлари доктори, доцдор зоотехник; қувноқ, ҳазилкаш Б. Чижов — профессор, хирург ва ўзига бино қўйган, мақтанчоқ, В. Нестратов академик, архитектор бўлиб етишган. Кунларнинг бирида бу уч дўст меҳнат отпускаларини бирга, кўнгилни ўтказиш ва ўттиз йил илгари қайиқда ёд қилган қасамларини амалга ошириш учун катта саёҳатга отланадилар.

«Мосфильм» киностудияси суратга олган ана шу уч дўстнинг қизиқарли саргузаштини ҳикоя қилучи янги, рангдар «Содиқ дўстлар» фильмида совет кишиларининг характери, уларнинг ижобий фазилатлари ва камчиликлари, кишилар орасидаги муносабатлари кинематография сан'атининг энг гўзал тасвирий воситалари блан реалистик равишда очиб берилган. Сценария авторлари А. Галич, К. Исаев ва режиссёр М. Калатозовлар софдил, камтар, хушчақчақ Чижов, Лапинлар блан шухратпараст, манман, ўз ютуқларидан мағрур бўлиб қолган, коллективдан ажралган Нестратов ўртасидаги тўқнашув ва ҳаётий конфликтларни кўрсатиш асосида тамошабинларни самимий кулдируучи, ҳаяжонга солучи, ҳаққоний кинокомедия яратаолганлар.

Машҳур совет кино артистлари В. Меркурьев (Нестратов), Б. Чирков (Чижов) ва А. Борисов (Лапин)лар бу ҳаётий кинокомедиянинг муваффақиятли чиқиши, асарнинг ғоясини янада чуқурроқ очиш ва ўз қаҳрамонларининг характерини янада бўртдириб кўрсатиш учун катта ижодий куч ва маҳорат сарф лаганлар.

Тамошабин В. Нестратов ўйлаганидек дабдабали, қулай вагон ёки ажойиб пароходда эмас, балки усти очиқ, оддий сол устида дар'ё бўйлаб саёҳатга чиққан уч содиқ дўстнинг саргузаштини ҳаяжон ва зўр қизиқиш блан кузатади.

Ҳақиқий, чин ва содиқ дўстнинг шарафли бурчи ўз дўстидаги камчиликларни йўқотишда унга яқиндан ёрдам беришдир. Ана шу ғоя фильмда ҳаққоний акс этдирилган.

Лапин, Чижовлар ўз дўстлари Нестратов характеридаги камчиликларни — бюрократизм ва манманликни йўқотишга, унинг камтар бўлишига ҳаракат қиладилар. Саёҳат даврида Нестратовдаги ҳарбир камчилик унинг дакки ейишига, тамошабинларнинг кулкисига сабаб бўлади. Бу уч дўстнинг солга чиқиб олишлари, момоқалдироқ пайтида Нестратовнинг ваҳимага тушиши, оролда кийимсиз қолишлари, Нестратовнинг милиционер томонидан тергалиши, катта бино қурилишидаги мажлисда бўлиши, қурилиш бошлиғи Нехода блан учрашуви ва бошқа эпизодларда артист Меркурьев бюрократлашга академик-архитектордаги танқидни севмаслик, коллектив блан ҳисоблашмаслик, ўз обрўси ва ютуқларидан эсанкираш каби камчиликларни усталик блан очаолган.

Айниқса Нестратовнинг «тергов» қилиниш эпизоди фильм сюжетининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бунда у ўзининг салбий хусусиятларини англайбошлайди, ўзи типидаги қурилиш бошлиғи Неходадаги салбий томонларда ўз камчиликларини кўради. Бундан ғоят та'сирланади.

Фильмдаги Чижов ва Лапин образлари тамошабин ҳотирида узоқ сақланади.

Артист Б. Чирков яратган хирург-профессор Чижов иродали, талабчан, ўз халқи, касби ва дўстларини жондан севучи чинакам совет кишисидир. Биолог Лапин артист А. Борисов ижросида вазмин, салобатли, камтарин, сезгир, ҳаёлчан ва севгисига содиқ образ бўлиб чиққан. Лапин — Борисов дўстлари блан вақтичоғлиқ қилганда, кишилар блан бўлган самимий муносабатларда, севгилиси Наталья Сергеевна (артист Л. Грищенко)га бўлган муҳаббатини изҳор қилганда ва бошқа эпизодларда ўзининг энг гўзал фазилатларини намойиш қилади.

Академик Нестратов қурилиш бошлиғи бюрократ Нехода симмосида ўзини кўради. Нехода ролини ижро этган талантли артист А. Грибов ўз вазифасини яхши бажараолган. Сценарий авторлари бу образ орқали кундалик ҳаётимизда учраб турадиган иш'ёқмас, амалий иш ўрнига канцелярячиликни, қоғозбозликни севучи, ҳовлиқма, кишилар блан қўпол муомалада бўлучи ба'зибир раҳбарларни сатира ва юмор қамчиси блан савалайдилар. Артист А. Грибов кундалик ишимизда халқит беручи, олға боришимизда тўсқинлик қилучи Нехода типидаги салбий хусусиятларни усталик блан очиб берган. Унинг комсомоллар блан қилган муомаласи, бинокорлар мажлисида ўзини тутиши ва Нестратов блан учрашув картиналари тамошабинларнинг зақарҳандали кулгисига сабаб бўлади.

Кадрлар кетидан кадрлар ўтади. Балиқчилар солида сузаётган уч дўст ўз саёҳатлари давомида Россиянинг хушманзара табиати, ватанпарвар кишилари, порлоқ истиқбол сари қадам ташлаб бораётган, катта қурилишларда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатаётган совет ватанпарвари блан учрашадилар.

Биз экранда тинч, ижодий иш блан шуғилланаётган жуда кўп қувноқ, совет кишилари блан учрашамиз. Асардаги ҳарбир эпизодик персонаж ҳам жонли ва реалистик бўлиб чиққан.

Артист А. Покровский содда, ўз касбини севучи ва уни ҳалоллик блан адо этучи терговчи—милиционер образини яхши бажарган. Осокина шаҳарчасидаги клиниканинг врачи (артист Л. Геника), бирбирларини жондан севучи икки ёш Катя (артист Л. Шагалова) ва Серёжа (артист Ю. Саранцев), шунингдек баржадаги юк ташучилар, кемадаги хушчақчақ йўловчилар тамошабинларнинг хотирида узоқ яшайди.

Кинокомедиянинг финалида академик Нестратов ўз характеридаги камчиликларнинг зарарли эканлигини англайди. Унинг ҳаётга яқинлашуви, омма орасида бўлиши, содиқ дўстларининг бегараз танқидлари Нестратовнинг кўзини очади. Тамошабин Нестратов типидаги айрим кишиларимиз характеридаги ба'зи камчиликларни йўқотиш мумкин деган тўғри хулосага келади.

«Содиқ дўстлар» кинокомедиясининг муваффақиятли чиқишида Мокорсусовнинг ёқимли ва лирик қўшиқлари, композитор Тихон Хренниковнинг гўзал, ўйноқи, ёқимли ва жозибадор музикаси ҳам катта роль ўйнаган.

Оператор Марк Магидсоннинг ажойиб сан'атини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Рус дар'ёсининг гўзал манзараси, Осокинадаги қурилишлар, кема клубидаги концерт пайти, ўт тушган қирдаги йиғилларнинг ҳуркиши, жонажон Москвадаги ҳашаматли бинолар ва гигант қурилишлар М. Магидсон томонидан эўр маҳорат блан суратга олинган.

Кишилар ўртасидаги содиқ дўстлик, чин севги, ватанпарварлик, ўз ишига, касбига муҳаббат блан қараш каби олижаноб туйғуларни улуғлаб, бюрократизм, канцелярячилик, манманлик, коллективдан ҳисоблашмаслик, қўрслик, ҳовлиқмалик сингари ўтмишдан мерос бўлиб қолган ба'зи кишиларимиздаги ярамас ва зарарли кайфият ҳамда хислатларни қораловчи, оптимизм руҳи блан суғорилган бу лирик кинокомедияни кўрган ҳарбир тамошабин катта ма'навий озиқ олади.

«Содиқ дўстлар» рангдор фильми кейинги вақтларда комедия жанрида яратилган қувноқ, ҳаққоний ва реалистик асар сифатида совет кинематографиясининг катта ютуғидир.

М. ЯХ'ЕЕВ,
Р. РАҲМОНОВ.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — қишки бинода: 7/V да **Гамлет**, 8/V да **Ҳамза**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Иван Сусанин**, 8/V да **Бўронда**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Нурхон**, 8/V да **Тоҳир ва Зуҳра**.

«РОДИНА», қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 6 ва 8 да), ёзги НАВОИЙ номли, қишки СОБИР РАҲИМОВ номли, қишки «ИСКРА» (кеч соат 8-20 минутгача), ёзги «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 гача), «ХИВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «УДАРНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ТЕЛЬМАН номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», КИРОВ номли парк кинотеатрларида — янги рангли бадиий фильм **Содиқ дўстлар.**

«ВАТАН» — **Ажойиб табиатли қиз.** НАВОИЙ номли (қишки) кинотеатр — эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 ва кеч 10 да **Георгий Саакадзе** (2-нчи серия), кеч соат 5 да илмий-оммабоп фильмлар тўплами: 1) **Клайпеда**, 2) **Черешеньки**, 3) **Урарту давлатининг маданият ёдгорликлари**, 4) **Новгороддаги археологик кавлашлар.**

9-НЧИ МАЙ — **Икки бойга бир қарол.**

СОБИР РАҲИМОВ номли (ёзги) кинотеатр — **Ҳаво извозчиги.**

КУНДУЗГИ КИНОТЕАТР — **Халқаро концерт.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 **Айбсиз айбдорлар.**

ПУШКИН номли кинотеатр — **Менинг кичик дўстим.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 10 да **Ғийбат мактаби.**

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 дан **Маскарад.**

Проект институти
**«СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК»КА**
Ўзбекистон ССР районларида доимий ва вақтинча дала ишларини олиб бориш учун: **топографлар, геодезист инженерлар** ва **техниклар**
**КЕРАК**
Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади. Тошкент шаҳар, Ленин кўчаси, 23-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Қорасув район, Ворошилов номли колхозда туручи **Турсун Умаралиевнинг** Тошкент шаҳар, Комсомольская кўча, Фарҳод проезд, 1-нчи тупик, 8-нчи уйда туручи Руқия Муҳамедовна Акчуринадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-нчи участка халқ судида кўрилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00513. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1327